

1991 йил 1 сентябрдан  
чиқа бошлаган

## ЎЗБЕГИМНИНГ

**“Ўзининг бетакрор тарихи ва маданияти, ақл-заковати билан асрлар давомида инсониятни ҳайратга солиб келган халқимизнинг юксак тафаккури ва интеллектуал салоҳияти мана шу галаба тимсолида яна бир бор ёрқин намоён бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз”.**

**Президент Ислом Каримовнинг шахмат бўйича Жаҳон чемпиони, халқаро гротсмейстер Рустам Қосимжоновга йўллаган мактубидан.**

Ватандошимиз Рустам Қосимжонов 2004 йил 13 июлда Ливия пойтахти Триполи шаҳрида шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. “Мен ушбу галабамни энг улуг байрамимиз — Ўзбекистон мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлайман”, - дейди у Триполи шаҳридан юртбошимизга йўллаган хатида. Рустам

ҳақида қанча тўлқинланиб гапирсак ҳам оз. Шундай ўғилни вояга етказиб, авлод-аждоғларимиз руҳини шод этган, миллатимиз шазни юксалишига ҳисса қўшган Рустамнинг онаси - Биоорганик Кимё институтининг катта илмий ходими Мехринисо Қосимжонова оиламиз меҳмони.

- “Бола-лой, она-кулло”, дейишди. Бу боланинг шахс сифатида шаклланиши онага боғлиқ дегани. Яна: “Бўладиган бола бошдан маълум”, деган нақл ҳам бор. Сиз Рустамни тарбиялашда қулолдай машаққат чекканмисиз ёки...

- Албатта: “Уни қил, бунни қилма”, “Бу яхши, бу эса ёмон”, қабилдаги гапларни ўғлимга айтганман. У кичиклигиданоқ ўз шахсий фикрини айта оларди. Бола тафаккурини ривожлантирадиган ҳар хил ўйинчоқларни муҳайё қилиб кўярдим. У кўпроқ кунт талаб қиладиган ўйинлар билан машғул бўларди. Кейинчалик опаси ва акасининг ўқув қуролларига қизиқадиган бўлди. Қизим Умида ўқиш, ёзишни, ўғлим Хуршид шахмат ўйнашни ўргатди. Боғчага қатнаб юрган кезлари, албатта математика китобини ўзи билан бирга олиб кетарди. Биринчи синфга борганда ўқиш-ёзишни тўлиқ ўлаштириб олган эди.

- **Мақтаб унинг ҳаётида ўзгарши ясадики? “Қовун-қовундан ранг олади”, дегандай ҳар хил оилавий муҳитда ўсаётган болаларнинг феъл-атвори, хулқи бир-бирига таъсир қилиши мумкин...**

- Ҳафтаси таълим-тарбия бергани билан ўнлаб ўқувчининг юриш-туриши, хулқига кўз-қулоқ бўла олмайди. Боланинг тарбиясига биринчи галда ота-она масъул. Дарсини ўз вақтида қилаётгани, дўстлари ким, мактабда ўзини қандай тутапти? Мен синф раҳбари билан доимий мулоқотда бўлиб турардим. Унинг зехни ўткирлигини кўриб ўқитувчилар синфдан-синфга сакратмоқчи бўлишди. Мен розилик бермадим. Ўғлимни адабиётга, санъатга, ҳар хил тўғарақка қатнашга ундадим. Бадиий китобларни кўп ўқирди, ҳатто, шеър ҳам ёзарди. Барибир шахматга қизиқиши барчасидан устун келди. 11 ёшда шахмат бўйича республика чемпиони бўлди. Мен

## ЎҒЛОНИ



ҳам шу йили илмий ишimini ёқладим. Оиламизга қўшалоқ қувонч кириб келди.

- **Рустамжон шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Бу оламшумул воқеа нафақат шахматга қизиқувчилар, балки, юртимизда яшаётган миллати, ирки, динидан қатъий назар каттаю кичикнинг кўнглида завқу шавқ, гурур уйғотди. Она сифатида сизнинг кўнглингиздан қандай кечинмалар кечмоқда?**

- Бир ой давом этган беллашувда ўзимни игнанинг устида юргандай ҳис этдим. Сўз билан таърифлаб бўлмас ҳаяжонда эдим ўшанда. Ўғлим билан ҳар кунни кўнгирақлашиб турдик. Ҳар қандай шароитда ҳам онанинг кўнгли болада бўлишига яна бир бор амин бўлдим. Ўғлим голиб бўлган эса... Ушандаги ҳолатимни сўз билан ифодалашга ожизман. Афсуски, дадаси Машруқжон акам бу кунларни кўролмай ҳаётдан эрта кетдилар.

- **Рустам бўш вақтларини қандай ўтказад?**

- Мусобақадан қайтган ҳафта-ўн кун оила кучоғида бўлади. Рафиқаси Ферузaxon, ўғли Азаржон билан сайрга чиқишди. Телевизорни кам кўради. Кўпроқ филасфий асарларни ўқийди.

- **Жаҳон чемпиони оилада ўзини қандай тутати?**

Менга меҳрибон, жигарларига меҳроқибатли. Рафиқаси билан ахил. Ўғли-жони дили.

- **Ёш оналарга айтар гапингиз?**

- Она ишлайдими, уй бекаси бўла тарбиясига жиддий эътибор бериши керак. Халқимизда: “Ниҳолни бошдан, болани ёшдан асра”, - дейдилар. Боланинг юриш-туриши, оиладаги

ўрнини билиши, ўқиши, дам олиши, ким билан дўстлашиши доимо эътиборда бўлиши керак. Аммо: “Сен боласан, менинг айтганим-айтган, деганим-деган”, - қабилда иш тутилиши нотўғри. Унинг қизиқиши, кўнгли билан ҳам ҳисоблашмоқ лозим. Бола ота-онадан безмаслиги керак. Унинг ёшига қараб муомала қилмоқ даркор.

- **“Оила ва жамият” газетаси мухлисларига тилақларингиз...**

- Юртдошларимизга соғомонлик, хуш кайфият ёр бўлсин. Сарлавҳасининг ўзиёқ киши диққатини тортадиган “Оила ва жамият”га юксак парвозлар тилайман. Мухлислари бундан ҳам кўп бўлсин.

**Кимга мансаб, кимга пул даркор,  
Кимдир ўзин йўлаб юрибди.  
Бу дунёнинг нақди ҳам бекор,  
Ким ҳам ундан вафо кўрибди.  
Дунёни лол қолдирдинг бу дам,  
Ўзбегимнинг ўғлони Рустам.**

**Унутилар эски, янги дард,  
Ҳар нарсага олиш ҳакам вақт.  
Ўғил-қизи юқтирмаса гард,  
Ватан учун бу нечоғли бахт.  
Дунёни лол қолдирдинг бу дам,  
Ўзбегимнинг ўғлони Рустам.**

**Гуллайверар халқи аҳил юрт,  
Пурмағнодир тинчлик деган сўз.  
Ҳали омад келаверар, кут,  
Ўзбекистон, кўз тегмасин, кўз!  
Дунёни лол қолдирдинг бу дам,  
Ўзбегимнинг ўғлони Рустам.**

Тоҳир НОРИМОВ



## ФАОЛЛИК ШИОРИМИЗ БЎЛСИН!

Ўзбекистон Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йўналишдаги қарорига белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш масаласи вилоят, туман хотин-қизлар кўмиталари, жойларда кенг муҳокама этилди. Бу дастуриламал ҳужжатлар асосида хотин-қизлар кўмиталари ўз фаолиятларини қайта кўриб чиқдилар, янги фаолият режаларини тузиб олдилар. 14 август кунини Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовнинг конференция қатнашчиларига йўллаган табригини Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, буғунги кунда хотин-қизлар оилада тишчилик, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш, фарзандларимизни ҳар томонлама етуқ инсонлар қилиб вояга етказиш билан бирга мамлакатимизнинг сўбей, ижтимоий-ақлисоғий ҳаётида, янгилашиш, ислохотлар жараёнида фаол иштирок этаётдилар. Раҳматини сўз олганлар мустақил юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида аёлларга қўриқилаётган эътибор ва ғамхўрлик, ҳурмат ва ишонч ҳақида мамнуният билан гапирдилар, буларнинг барчаси учун юртбошимизга миннатдорчилик билдирдилар.

Анжуман танқид, ўз-ўзини танқид руҳида ўтди.

Президент Фармони ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш бўйича Республика Хотин-қизлар кўмитасининг Ҳаракат Дастурлари қабул қилинди.

Конференцияда Республика Хотин-қизлар кўмитасининг янги Уставини лойиҳаси муҳокама этилди ва қабул қилинди. Кўмита бошқаруви аъзолари ва тафтиш комиссияси аъзолари сайланди.

Республика Бош вазирини ўринбосари Светлана Иномова Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозимига сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

(Давоми 2-бетга)



(Боши 1-бетда)

**Хурматли опа-сингиллар!**

Авваабмбор, сиз, конференция қатнашчиларига, сизлар орқали мамлакатимизнинг барча аёлларига ўзининг самимий ҳурмат ва эҳтиромини билдириб, эзгу тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Бугунги кунда сиз, муҳтарама аёлларимизнинг оилада тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш, ҳаёт ташвишлари ва муаммоларини сабр-тоқат, оқиллик билан ҳал этиш, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш билан бирга мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига, жамиятимизга амалга оширилаётган туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёнида фаол қатнашаётганингизни мамнуният билан эътироф этамиз.

Айни вақтда республикамиздаги хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини таҳлил қилиб, ҳолисона баҳо берар эканмиз, улар аёллар манфаатининг амалга ҳақиқий ифодачиси ва ҳимоячисига, биз барпо этаётган эркин фуқаролик жамиятининг том маънодаги узвий бир қисмига айланиши учун ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини ҳам яхши англаймиз.

Ўйлайманки, бугунги анжуманда сизлар бу борада барчамизни ўйлан-

**ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА**

тираётган, бевозта қилаётган долзарб муаммоларни, жумладан, жойлардан чиқаётган таклиф-ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, аёлларимизни айниқса, қишлоқ жойларида иш билан таъминлаш, уларнинг ўз меҳнати билан даромад топиш имкониятига эга бўлиши, бизнинг ҳаёт тарзимизга, миллий-диний қадриятларимизга мутлақо ёт бўлган воя ва қарашларга қарши курашдаги ўрни ва ҳаётимизнинг ўзи тақозо этаётган барча йўналишлар бўйича хотин-қизлар кўмиталари ишини замон талаблари асосида тубдан қайта ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни апрофлича чуқур муҳокама этаемиз.

Хусусан, ёшлар тарбияси, уларни турли бузувчи оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишдек мураккаб ва масъулятли ишда биз маҳалла идоралари таркибига янги ташкил этилган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимига фаолият кўрсатадиган, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган, оқ-қорани яхши ажратадиган аёлларимизга катта умид ва ишонч билдираемиз.

Хотин-қизлар соғлиғини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат-эътибори марказида бўлиб келаётганидан, бу соҳада изчил амалга ошираётган жиддий ишларимиз ҳаққаро ҳамжамият томонидан тан олинаётганидан, ўйлайманки, барчангиз яхши хабардорсиз. Биз ана шу ютуқларимизни мустақамлаш, жамиятимизга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳар томонлама етуқ ёш авлодни тарбиялаш йўлида барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этаемиз. Ва бу масалада албатта сиз, муҳтарама аёлларимизнинг фаоллиги ва фидоийлигига таянамиз.

Бугунги замон, ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган вазифа - фуқаролик жамиятининг асосий бўйинлари бўлмиш маҳалла ва хотин-қизлар кўмиталарининг ишини такомиллаштириш, уларга суянган ва таянган ҳолда аёлларнинг социал ва ижтимоий фаоллигини ошириш, опа-сингилларимизнинг сайланадиган, вакиллик ва бошқа давлат ҳокимият идораларидаги кенг иштирокини таъминлашда қонуний кафолатларни яратиш бе-

ришдан иборатдир.

Мамлакатимиз тараққиёти ва фаровон ҳаётимизнинг асосий гарови бўлмиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш, бу соҳага ёшларимизни жалб қилиш мақсадига уларни замонавий касб-хуналарга ўқитиш тизимини барпо этиш, хотин-қизларимизнинг ишбилармонлик қобилияти ва интилишларини қўллаб-қувватлаш давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг биринчи галдаги вазифаси бўлмоғи лозим.

Менинг энг катта орзу-мақсадим — ўйлайманки, ўзини шу юрт ўғлонлари деб биладиган барча инсонлар шу фикрга албатта қўшилади — сиз, муҳтарама аёлларимизни ҳамisha гўзал ва бахтли, ҳаётда рози ҳолда кўриш ва бу олижаноб ишга ўз ҳиссамни қўшишдир десам, ҳеч қандай хато бўлмас.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, меҳнат фаолиятингизда янги-янги ютуқлар, конференция ишига эса самара ва муваффақият тилайман.

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

**СЎЗ—КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА**



**Озода Тўлаганова, Тошкент шаҳар бош имом хатибининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича ўринбосари:**

Хотин-қизлар кўмиталари билан биргаликда Исломи динини халқ орасида тўғри тарғиб қилиш мақсадида турли табақадаги аёллар билан суҳбатлар ўтказмоқдамиз.

Жумладан, Президент Фармони билан авф этилган, муқаддам судланган аёллар билан суҳбатлар ўтказилиб, уларни руҳий, маънавий қўллаб-қувватлаш, ҳаётда ўз ўрнини топишларида ёрдам берилмоқда.

Хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда тўй ва маросимларни ихчамлаштириш борасида отинийларимиз фаол иш олиб бормоқдалар.

Президентимиз Фармони тўғрисида эндиликда хотин-қизлар диний ахлоқий мавзудаги муаммоларини жойларда диний-маърифий маслаҳатчи билан ҳал қилиш имконига эга бўладилар.

Яна бир ижобий самара кўрсатаётган ишларимиздан бири "Отинлар фаолиятини мувофиқлаштириш"га бағишланган ўтказилаётган илмий-маърифий ўқув семинарларимиздир. Дастлаб семинарда 60 фаол отин қатнашган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 140 кишидан ортдиқдир.



**Сайёра Бегимова, Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани, Гўлба маҳалла кўмитаси раиси:**

Маҳалладаги ишлар кўп ва хилма-хилдир. Икки кишининг бошини қовуштирадиган, аҳоли ўртасида ҳукуматимиз қонунларини тўғри тушунтира оладиган, кадриятларимизни асраб-авайлаб, келажак авлодга етказишга бел боғлаган инсонларгина бу ишнинг удрасидан чиқа оладилар.

Оила паспортини ташкил қилдик. Бундан мақсад — оиланинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, тиббий, маънавий, ҳуқуқий аҳолини билишдир. Маҳалламиз фаоллари билан хонадонларга кириб, уларнинг шароитини ўрганаёмиз, бугунги ҳаётимиз, сиёсатимиз ҳақида тушунчалар беришга ҳаракат қилаёямиз.



**Мухаррам Раҳмонова, Тошкент Давлат Аграр университети**

**тети доценти:**

Аёл қанчалик эркин фикрлаб, ижтимоий меҳнатга кенг жалб қилинса, шу мамлакатда тараққиёт бўлади. Барча йўналишдаги таълим тизимларида уй ҳамширалари курсларини ўқитиш жорий қилинса; мактабдан бошлаб, гимнастика, сузиш, теннис каби спорт турларига кенгрок жалб қилинса; аёл меҳнатини фақат моддий эмас, маънавий рағбатлантиришга эътибор берилса; иқтидорли қизларга - турмушга чиққач, жамиятда ўз ўринларини топиб олишлари, уларнинг кашф қилишлари учун хотин-қизлар кўмиталари имконият яратиш беришса...



**Назира Худойкулова, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, "Улуғбек" ширкат хўжалиги пудратчиси, хотин-қизлар кўмитаси раиси:**

Ўртбошимизнинг хотин-қизларга дахлдор янги Фармони қишлоқ аёллари учун қувончли воқеа бўлди. Фармондан сўнг биз ҳам ўз дастуримизни янгидан тузиб чиқдик. Боқувчисини йўқотган, боласи ногирон аёлларга дам олиш ва даволаниш масканларига бориб келишлари учун бағул сафарномалар бердик. Вақти-вақти билан аёллар учун мутахассис шифокорлар кўригини ўюштириб турибмиз...



**Шоҳида Мирзаева, "Зулфия" мукофоти совриндори, Тошкент Давлат Жаҳон тиллари университети талабаси:**

Биз ҳам хотин-қизлар кўмиталари ишига қўлимиздан келганча ёрдам бермоғимиз, сафимиз кенгайишига, ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган, дунё андозаларидан хабардор қизларимиз кўпайишига ўз ҳиссамизни қўшимиз керак.

Жойларда хотин-қизлар кўмиталари қошида "Зулфия қизлари" клубини ташкил қилсак... Қизлар ўртасида қонунларимиз, ва урф-одатларимиз ҳақида тарғибот ишларини олиб борсак, айни мудоаодир.

**Татьяна Плеханова, Сирдарё вилояти "Она ва бола" Саломатлик Маркази бош шифокори:**

Замонавий янгиликлардан хабардор, зукко шифокорларимизни тез-тез туман ва чекка қишлоқларга йўллаб, хотин-қизларимиз ўртасида профилактик хизмат кўрсатишни ташкил қилганмиз. Ахир касални даволадан кўра, унинг олдини олиш - ўша одамга ҳам, шифокорга ҳам яхши-да. Аёлларимиз бола-чакам деб, йиқилиб қолмагунча, шифокорга мурожаат қилишмайди. Шунинг учун аёлларга "онанинг соғлиги - оиладаги шодликнинг асосий устуни"лигини тушунтираемиз.



Сувратчи — М.МИРСОДИКОВ С. ФАХРИДИНОВА тайёрлади.


...Тушки овқат олдида, катта кизим: "Ота, сизни енгил машинада келган икки одам сўрапти", -деб қолди. Чиксам, назаримда бири бегонароқ одам, шофёри эса сиртдан танишдек. Салом-алик қилдик. "Марҳамат, чой тахт!"-дедим чин илос билан. Шофёр: "Қайтамиз, домла"-деди. Ёнидагиси ширакайф кўринди. Нотаниш бу одам катта ўғлим тингли эди назаримда. У чап кўлимдан ушлади-да, бир неча бор қаттиқ қисди. Тагин дедим: "Укажонлар, чой тайёр эди".

...Йигит кўлимни кўйиб юбормай... "Сиз қанақа одамсиз ўзи,? Хисобни чўзинг! Сизда батамом инсоф йўқ экан-ку?"-деди. Мен бу каби танбеҳни уч кам олтишга кириб эшитмагандим. Юз амри ширин, андиша қилиб турдим. Шофёри ҳам унинг гапини тасдиқлаб турарди... Қон босимим борлиги учунми, кўзим олдида "вижир-вижир" қора доначалар пайдо бўлиб, баданимда титроқ бошланди. Лекин, ўзимни тутиб олдим: "Жаҳл чиққанда ақл кетар", - деган нақлни эсладим. Йигит кўлимни кўйиб юборди. Тагин мени урмоқчи бўлиб қаддини тиклаб ростланди. "Укажон, шошилма, мени ким биландир адаштиряпсан", -дедим. Қаршимдаги йигит ўзини босолмай, муштарини ёзиб тагин хезланди: "Ноинсоф, бир йил бўлди, бир йил?! Кум егандек еб, ичиб, 10 порсия шашлигим, 8 та ноним, 6 та арагимни ютдинг. 10 минг сўм-а, 10 минг сўм! Устига-устак, еб-ичиб, эшикдан чиқишда қоқилиб йиқилдинг-да, туролмадинг? Уччала шерикаларинг чиқиб кетганди. Бориб кўтариб тургадим. Сўнг йўлга олиб чиқиб, шерикаларингнинг енгил машинасига ўтқаздим. Шунда сен менга уч бора мингиллаб ялидинг: "Мен ўша катта домла Атоевман", -дединг! Ахир, йимонингни ютсанг, фарзандларинг бордир?! Териси қалин инсон! - Шофёр йигит на унга, на менга тасалли берарди, фақат кулиб турарди. Мен эса бўлаётган воқеани кўшниллар томоша қилишгаётганидан уялардим. Йигит кўтарилгандан-кўтарилди. Кўзи

чақнаб, менга бўрилардай ташланмоқчи бўлди. "Шошилма укажон, шошилма!"- Нима гап бўлаётганини англамоқчи бўлдим. "Сен янглишяпсан укажон, дедим-ку. Тагин айтаман, сен янглишяпсан укам. Ҳамма гапларни гапириб, ҳақоратларни қилиб бўлдинг! Юрагинг ёзилгандир? Энди тингла! Биринчидан, менинг нафақага чиқиб, Тошрабат ошхоналарида овқатланмаганимга икки йил тўлди. Сен эса бир йил аввал дейяпсан? Бу ерда бир англашп-мовчилик юз берганга ўхшап-

кадрон эди, мижози эдик, раҳматлини", -дедим. Йигит пинагини бузмай, -"Валдирама кўп! Пулни, пулни чўз!", -деб, ўнг кўли бармоқларини бир-бирига ишқалаб, мен томонга чўзиб, ўйнатарди... Болани юпата олмадим. Ҳамон гўлдираб сўкиннарди. "Ҳозир"- дедим-да, уйга кириб, 10 минг сўм пул олиб чиқдим. Йигитга дедим: "Укажон, тухмат қилган-Оллоҳга ёқмайди"- дейдилар. 40 йил муаллим бўлиб ишлаб, мен қайси-миз тухматчи эканлигимизни тасаввур қилолмагандим. Бола

ҳақорат қиларди. Мен унга қараб кўйгудек бўлсам, овозини тагин ҳам баландлатарди. Шу алфозда "Тико" ўриндигига 100 сўм ташладим. Ниҳоят ҳовли эгаси чиқди... Мени кўриб ўзини ноҳуш сезгандек бўлди... "И-е, и-е", -дея келиб кўришди. "Домла, кечирасиз мени!"-деди. -Сизни жўрам ташвишга кўйибди-да. Мен ўзимни "Атоев" демагандим-ку?... "Домла Абдикулов бўламан дегандим-ку! Абдикулов!"... Мени ҳақоратлаб ўтирган йигит, машинадан ҳам тушмай, ҳовли эгаси билан кўришди... Менинг мажолсиз, леким даргазаб, қокма этимдан совуқ тер чиқди... Зумгина "Тико"га суняндим.



## УЛУФ САОДАТ

Иккинчи жаҳон урушида 1-гуруҳ ногирони бўлиб келиб, 42 йил бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаш учун чексиз ирода, тоғдай сабр-бардош даркор кишига. Боз устига, ўқитувчилик маоши билан 9 қизни узатиб, 2 ўғилни уйли-жойли қилди. 80 ёш бўсағасида турган Баят Хожи

### Яхшилардан сўз очдик


бобо Язданов мана шундай қувончу ташвишларга юл умр кечириб келмоқда.

"Бўстон" қариялар пансионига йўлланма беришганди. Йўл-йўлақай "Оила ва жамият" га ҳам кириб ўтай дедим. Тошкент ўзгариб кетибди. Ҳаммаси тинчлик туфайли-да, албатта! Уруш, вайронагарчилик нима эканини биз кўрдик, келажак авлод, абадул-абад кўрмасин. Нафақа пулларимни йиғиб, 2-3 та қорамолни сотиб қишлоғимиз аҳолиси учун сув тегиримини кўрдим. Бир чолнинг кўлидан келгани шу-да, ўғлим! Мен бу билан мактанмоқчи эмасман. Аксинча, юртимиз тинч, халқимиз ҳамжиҳат, бир-бирига кўз-қулоқ, меҳр-оқибатли бўлсин, дейман!

Отахон Белиш анча гаплашиб ўтирдик. Кетиш олдида юртимизга омонлик тилаб дуога кўл очдилар. Шунча йўлдан ҳориб келаётиб, тахририятимизни сўраб-сурштириб келганлари учун бағоят хурсанд бўлдик.

ТОХИР

# ИНСОН ҚАДРИ



сўзимни кесиб ташлади: "Тухматчилик, сендан менга келмасин!". Миямда ўйлар гулжон ўйнарди. Бирдан калламга бир фикр келди: «Маҳалламизда мен каби ўқитувчилик қилган, фамилияси ҳам «А» харфидан бошланувчи, аммо улфатчиликка, ичкиликка суяги йўқ одамни излашмагитми-кан, булар. Унга ҳам фамилиясидан

ти. Ушанда ҳам худди ҳозиргидек маст аҳволда бўлгандирсан. Сенинг ҳаққинга хиёнат қилган одам ҳам маст эди дейсан. Менинг фамилиям қулгоинга янглиш эшитилиб қолгандир. Иккинчидан, сенинг ўзинг қаердан, кимнинг ўғлисан?..."-дедим вазминлик билан. "Нима, сен прокурормисан? Менинг 10 минг сўм пулимни тўла, эркак бўлсанг" дерди у сўзидан қолмай.

Энди шофёр жавоб берди: "Тошрабат марказиданмиз. Фалон шашликчини билармидингиз?! У киши 20 йиллар аввал қайтиш қилганди. Бу йигит ўша инсоннинг ўли".

"Хим... Отанг раҳматли, босиқ, вазмин, яхши инсон эди. Қарз бериб, ортидан ипу игна олиб қувиб юрмасди. Мен билан ҳам

аввал «домла» сўзини кўшишарди. Мен дарҳол машинага миниб, шофёрга дедим: "Мен айтган жойга ҳайданг укажон!" Йўл ҳаққини берадиган у йигит бўлгани учун шофёр орқа ўриндикка қараб: "Катта биладилар!"-деди. "Катта" эса, "Ким қаёққа бошлаётган бўлса, ўзи ҳисоб-китоб қилсин!"- дея кўкрак қериб, гердайиб кўйди. Бир қақирим юрган, ёнимдаги шофёрни туртиб, бир ҳовлини кўрсатиб: "Тўхтатинг", ишорасини қилдим. Шофёр белгиланган жойда тўхтатди. Мен машинадан тушиб, ҳовли эшигини очиб, эгасини қақира бошладим. Йигит эса "Тико" эшигини очиб кўйиб, гудурлаб мени

юганимга 6 ой бўлганича йўқ, учинчи беғуноҳ инсонга тухмат қилдинг? Ҳақоратладинг!"- деди... "Отаси яхши инсон эди. Шунақа ичиб, одамларга тухмат қилиб, ҳақоратлар ёғдириб кетаверса, раҳматли отасининг арвоҳи норизо бўлиб, уради"- дедим. Йигит кечирим нелигини билмади. Мен учун кечирим сўраши шарт эмас! Аммо, бунгунги кунда тухматчи йигитни отасининг арвоҳи ураётганини эшитаяпман. Леким қувноммайман... Афсусланаман... Инсоннинг пул олдида қадрсиз эканлигидан...

**Эргаш АТОЕВ,**  
**Нафақадаги ўқитувчи,**  
**Навоий.**

# ВА ТУЛА...

Турмушининг жафоларига бардош беролмай, "оҳ-вўх" қиладиган аёлларни кўрсам Наманган туманининг Ровустон қишлоғида яшовчи Муборақон Каримова кўз олдимга келаверади.

Муборақ мактабни тугатгач, Неъматжон исмли йигит билан оила қуришди. Келин-куёв бахтли ҳаёт кечира бошла-

динг. Аллоҳ шифо берса, сени бошимда кўтарардим"-деди Неъматжон ҳам. Аммо... Неъматжон 2004 йилнинг 1 июнида ҳаётдан кўз юмди.

Муборақ Ровустон қишлоқ шифокорлик пункти мудираси Нодирахон Камоловадан бир умр миннатдор. У Неъматжондан ҳар куни хабар оларди.

Дард хуруж қилган кезларда ҳамшира Робияхон Рўзиматова, фельдшер Жалолидин Саломидиновлар эса Муборақнинг эрига тиббий ёрдам кўрсатишдан сира огринишмади.

## ВАФО ВА САДОҚАТИ

дилар. 1988 йилда улар фарзандли бўлишди. Унга Шерзод деб ном беришди.

Лекин, ўша йилги бирданги Неъматжоннинг тоби қочиб, шифохонага ётқизилди. Шу кўйи Неъматжон Андижон, Тошкент тиббиёт клиникаларида даволанди, фойдаси бўлмади. 1990 йилдан бошлаб эса тўшакка михланиб қолди.

Энди Муборақ эрининг ёнидан бир қадам ҳам жиллолмас, Неъматжоннинг парвариши, Шерзоднинг тарбияси билан машғул эди.

Эсида, бир куни тунда пинҳона йиғлаётганини тасодифан Неъматжон эшитди қолди. Сабабини сўраганида: «Кўлимдан келса-ю, сизни тургазиб юборсам, дардингизнинг ярмини ололсам қанийди", -деди.

«Бир умр миннатдорман, сендан! Менга турмушга чиқиб рўшнолик кўрма-

ларда ҳамшира Робияхон Рўзиматова, фельдшер Жалолидин Саломидиновлар эса Муборақнинг эрига тиббий ёрдам кўрсатишдан сира огринишмади.

Халқимиз меҳр-саховатли. Иқтисодий жиҳатдан қийналган бу оиладан Наманган тумани ҳокими Мўминжон Жўраев, унинг ўринбосари Тугмахон Сиддиқовалар тез-тез хабар олиб туришди. Ровустон маҳалла фуқаролар йиғини ҳам ҳайит, Наврўз ва бошқа байрамларда моддий, маънавий ёрдам кўрсатди. Икки йилгина турмуш қуриб, ўн олти йил тўшакка михланиб ётган инсонни ёлғизлатмай, атрофида парвона бўлган ўзбек аёли Муборақ Каримова вафо ва садокат рамзидир.

**Насибохон КАМОЛОВА,**  
**ўқитувчи.**



МЕҲР ВА ШУҲРАТ

# ДАРДГА МАЛҲАМ

Кейинги пайтларда ошқозонимда ўқтин-ўқтин кучли оғрик пайдо бўлиб, баъзан, еган-ичганларимни қайд қилиб, бутунлай ҳолсизланиб қолардим. Шундай бўлса-да, негадир кунба-кун вазним ортиб, оғирлашиб бораётганимдан кўрқардим. Оғирлигим оёқларимга тушаётганини, пиёда юриш кундан-кунга малол кела бошлаганини сездим.

Бундай ҳолатни фарзандларим ва ишхонадагилардан сир тутиб, дўхтирларга учраша бошладим. Дўхтирларнинг ҳулосаси битта эди: «Касаллиқни жарроҳлик йўли билан даволаш керак». Бирок, жарроҳлик столига ётишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг устига 3 нафар фарзандимга ҳам ота, ҳам онаман. Сўнгги чорани эшитганимдан сўнг тўғриси ҳаётдан умидимни узгандим. Ташҳис-саратон касаллигининг бошланиши эди. Унга тиббиётда ҳали даво топишгани йўқ. Шу фикрнинг ўзи вояга етмаган фарзандларимни аро йўлга бошлаб, менга янада азоб берадир.

Шифокор маслаҳати билан мен Самарқанд вилояти Каттакўрғон туманининг

Козоқовул қишлоғида жойлашган "Эргаш ота" хусусий тиббиёт марказига йўл олдим. Бу ерда ҳам бир беморни шифохона бош ҳақими Бердикул Эргашевнинг ўзи кўриб, текшириб қабул қилар ва муолажани ҳам ўзи олиб борар экан.

## МАСКАН

Ҳамшира қизлар Гуллола, Гулзора, Садоқат ва Шоиралар дамба-дам ҳол сўраб туришди. Шу туфайли беморда касаллик нутилиб ҳаётга умид пайдо бўлди.

Тиббиёт марказига келган беморлар асосан икки хил усул: очлик ҳамда шифобахш ўсимликлардан тайёрланган малҳам билан даволанишаркан.

"Эргаш ота" тиббиёт марказида 18 кун даволандим.

Бахтимнинг бир қиррасини мана шу шифо масканида топдим, 18 кун муолажа давомида 10 кг. га оздим. Даволаш марказидан қайтгач Бердикул дўхтирнинг тавсияномасига амал қилиб, уйда яна 4 кг. вазн ташладим. Ҳозир ўзимни кушдек енгил ҳис қилаяпман.

Азиз шифокорлар! Қўлингиз сира дард кўрмасин!

**Инобат ЖўРАЕВА,**  
**Қашқадарь вилоят ИИБ**  
**"Посдон" газетаси**  
**мусаҳиҳи.**

- Ёлғизгина ўғлим бор. Кўрса кўргудек, суйса суйгудеккина... Мени ана шу ўғлимнинг қилмишлари бошлаб келди. Ака-укам, опа-синглим бўлса эканки, дардлашсам. Афсуски, ўзим ҳам ота-онамнинг тилаб олган фарзанди эдим. - деди Хабиба исмли аёл сўз бошларкан.

- Ўғлим Беҳзод институтни битирди. У англиз ва испан тилини мукамал билди. Унинг билим олиши учун бор пулимизни аямая сарфладик. Унинг тўйига қувонч билан тайёргарлик кўрардик. Лекин...

- Бирор мудҳиш воқеа содир бўлдими?

- Балки мудҳиш дейиш унчаллик тўғри келмас, аммо қаттиқ зарба бўлди-да... Беҳзод Ноила исмли қиз билан мактаб вақтида гаплашиб юрарди. Биз буни шунчаки ҳавас, деб ўйлагандик. Беҳзод Германиядалигиде Ноилани Тошкентга бир бадавлат оилага узатиб юборишди. Орадан йил ўтиб улар фарзанд кўришди. Кейин онаси бешик тўйига бизни чақирди. Ноила келин бўлган хонадонни кўриб оғзимиз очулиб қолди. Қўш қаватли уйлар... Ноила ҳам олиб-югуриб хизмат қилиб юрарди. Ўғилчаси эса бўлаликка экан.

- Агар шу қизни келин қилганим-да мана шу оппоқ, лўмбиллаган бола менинг набирам бўларди-я, деб ўйладим ҳавас билан. Уйга келганимиздан кейин ўғлимга бу ҳақда оғиз очдим.

- У нима деди?

- Йўқ, бир оғиз ҳам гапирмасдан ичкарига кириб кетди. Орқасидан кирдим. Беҳзод индамай альбомни очиб томоша қилиб ўтирарди. Менинг кирганимни пайқамасди чоғи, қайрилиб ҳам қарамасди. Секин бориб кўлидаги аль-

дўстига сўз бериб қўйган экан. Отасининг субутсиз бўлиб қолишини истамасди. Бўлмас...

Кейин маҳаллада гап оралади. "Ноила эри билан ажрашганмиш. Унинг эри уйга икки болали хотинни эргаштириб келибди. Ноила билан ҳам, у билан ҳам яшамокчи бўлибди. Ноила эса жанжал қилганмиш. Кейин эса эри уни ҳайдаб юборганмиш..."

Эрим бир куни ишдан келди-да: "Онаси, бу йил Беҳзодни уйлантирайлик энди. Қани, чақир-чи, - деди. Беҳзод бу вақтда уйда йўқ эди. Келгандан сўнг уни ўртага олиб, мақсади мизни айтдик.

- Майли, фақат ўзим истаган қизни олиб берасизлар. Мен бу борада хато қилишганимни истамайман. Яхши илаб ўйлаб олиш керак, деди.

- Кейин у сизларни танлаган қизи билан таништириб қўйдими?

- Э, сўраманг... Биласизми, у бизга кимни таништирди?

- Уша Ноилани таништирди... Тўғри, у ёмон қиз эмасди, лекин уйланмаган гудек ўғлимга бир болали жувонни олиб бериш ҳам...

- Нима бўлди, ўғлингиз унга уйландими?

- Отаси иккимиз Беҳзодни айнитмоқчи эдик, бўлмади. "Отажон, онажон! Мени кечиринглар! Ноила билан ЗАГСдан ўтиб, боласини ўзимнинг номимга расмийлаштириб олдим. Умримда бир марта ўз билгимча иш тутдим. Уйлаб-ўйлаб Ноиладан бошқа аёл билан бахтли бўла олмаслигимга ишондим", - деди. Мана энди кейинги хафта тўй бўлиши керак. Энди тўй ҳам қилмас. Нима қилай, иложим йўқ. Ёлғизимнинг бахтсиз бўлишини ҳам истамаймиз. Одамнинг тафтини одам олади, деганларидек, кўнглимиз хотиржам бўлиши учун бизга одамларнинг маслаҳати жуда-жуда зарур. Биз кўниб тўғри қилдикмикан? Ўғлимиз-чи? Бировнинг фарзандини ўзининг номига олиб хато қилмадимикан? Ахир турмушда нималар бўлмайди?

- Аёл кетган унинг сўзлари ҳақида кўп ўйладим. Қолдирган телефони бўйича кўнғор қилиб ўғли Беҳзодни ҳам топдим.


- Нима бўпти болали аёлга уйлансам? Ахир у кўнглимдаги аёл-ку! Турмушга чиқмаган бегона қиз мени тушунмас-чи? Мен учун турмушга чиқиб ажрашгани нўқсон эмас. У отасининг раъйини қайтаргиси келмагани. Йўқ, адашмадим.

- Муҳаббат деганлари шудир, балки... Лекин Беҳзод билан Ноила турмушга учрайдиган синов, турли гап-сўзларни енгиб бахтли яшаб кета олармиканлар?

ГУЛБАШАКАР

# УФА - ҚИЗНИНГ САВБОСИ

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...



бонмга разм солдим. Қарасам... У ўша Ноиланинг сураганини кўлига олиб ўтирибди-да... Секин ёнибга ўтириб, бошини силдириди. Унинг кўзларида ёш кўринди-ю, индамади.

- Болагинам! Ноилани жуда яхши кўрганмидинг? - дедим куйиниб. У бўлса уф тортиб: - Биламан, онажон! Лекин унинг ҳам иложи йўқ эди. Отаси

Мавлудахон аянинг катта ўғли Аҳмадхон уч марта уйланди. Уларнинг биронтаси билан ҳам тиниб-тинчимасди. Ҳамма хотинидан фарзандлари бор. Унинг иккала укасиам ўзларига тинч. Уртанча укаси косибчилик билан оила тейради. Кичик укаси Носиржон эса тадбиркор. Топармон-туртармон бўлгани учун ҳаммаша вақти тигизроқ. Мавлудахон ая кичик ўғли билан яшайди. Лекин келиннинг каттазанглигидан безор бўлган. Ўғли эса хотинини ҳеч тутумига ўргата олмайдди. Хоҳлаган кийимини олдирди-да, бир марта кийгач, эски-тускиларга аралашиб, қолиб кетаверади. Овқат қилишга, кир ювишга ҳам укуви йўқроқ. Кўпинча Мавлудахон аянинг ўзи қозонга унаб кетади. Бунга катта ўғилнинг кўзи тушса, тутаклиб кетади.

- Хей, Носир! - дейди тадбиркор укасига боқиб. - Қариганда онамизни нега уринтиряпсан? Овқатни хотининг қилса бўлмайди-ми?

- Айтавериб чарчадим, - эйтироф этди Носир. - Онаси унинг тилини темирдан қилиб туккан экан.

- Ишонангга ҳаммага буйруқ берасан-ку? Битта фирмани зирриллатган одам, хотинга гапинг ўтмайди-ми?

- Қўй болам, - дейди Мавлудахон ая, катта ўғлини муросага чақириб, - меҳнатимга розиман. Шулар тинч яшаса бўлди. Ҳамма гап муросада. Ўзинг урта хотин билан ҳам муроса қила олмадинг-ку?

- Мен юз марта уйлансам ҳам сизни бунақа ишларга уринтириб қўймайман. Келиннинг шохи тилладан бўлсаям хизмат қилиши керак.

Бу гапларни уйда Носирнинг хотини Рашида эшитиб турган эди. У гўё тилла узукларини кўз-кўз қилмоқчи бўлгандек, чап қўлини салгина олдинроққа қўзиб, эшикдан чиқди.

- Гапингизга жиндай тузатиш киритиб қўйсам, хафа

бўлмайсизми, ака? - Бемалол! - жавоб қилди Аҳмадхон. - Тилла шох эмас, тилла устун деганингизда тўғрироқ бўларди. - Қанақа тилла устун? - укасига юзланди Аҳмадхон. Носир бирор нарса дея олмай, қалваланди. Онаизор эса ишқилиб жанжал чиқиб кетмасин-да, деган маънода зорланиброқ катта ўғилга боқди. Яна келин тилга кирди:

# ФАЛАК



- Аям қўлламаганда, укангиз фирмани зирриллатмас эди-да, ака. Аям укангизни тилла устунга суяб, пулнинг устига ўтказиб қўйдилар. Қўллагани тили ҳам узунроқ бўлади-да. Бутун дунёда шунақа.

- Бутун дунёни билмадим, - таъкидлади катта ака. - Эрак киши ўз уйининг хўжайини бўлиши керак.

- Балким сизга шундайдир, - бурш келмади келин. - Ўзингиз уч марта уйланибсиз. Ҳеч бири камбағалликка чидамабди-ку?

Аканинг зардаси қайнаб кетди. - Ким айтиб камбағалликка чидамади, деб? Юринг ая, мен билан турасиз. Носир тилла устунга суяниб, пулнинг устида ўтираверсин.

- Қўй болам. Қасдма-қасдига иш қилсак, дадангни руҳи чиркирайди. Лекин сенга ҳам битта ҳамхона ке-

## Ҳаётнинг бир лаҳзаси

рак. Бунинг ҳам йўлини қиламиз. Аҳмадхон шунча қайсар бўлгани билан онасининг битта гапини икки-та қилмайди. У аламини ичига ютиб, дарвоза томонга юрди. Дарвоза олдида етганида, орқасига ўтирилди.

- Носир! Хафа бўлма менинг гапимга. Тилимга жиндай захар аралашиб қолибди. Ўзим ибрат бўлганимда бошқа гап эди. Тангри менинг пешонами тўз қонига яқинроқ қилиб яратган экан. Яхши қолинглар!

Носиржон индамади. Онанинг юраги эзилди. Раҳматли эрининг феъл-атвори катта ўғлида сакланиб қолганди. Эраккини эркак йўлида, хотинни хотин йўлида туршини истаиди. Аммо ҳаётда негадир омади келмайди. Диққат бўлганидан ичиб қўяди. Онаизор дарвозадан чиқаётган катта ўғилга ялиниброқ гап қотди.

- Ишқилиб ичиб қўймагин-да, болам. Энди қутилдинг, ўша балодан. Рашида қошларини пастбаланд қилиб, Носирнинг ёнига келди.

- Акангиз бизнинг турмушимизга нега аралашаверади. Пешонаси шўр бўлса, биз нима қилайлик. Феъли шунақа бўлса, хотин чидай-

дими? - Акам қўли гул уста, - энтиқди Носир. - Ўзи бу дунёда ҳақиқат излашдан оғирроқ мушқулот йўқ экан...

Рашида ҳеч нарсага тушунмади. Онаизорнинг эса катта ўғлига раҳми келди. Яна ичидини бошлаб юборса-я, деган изтироб унинг қалбини ўртай бошлади. Қўлида оташқурак билан ўчоқ бошида турганича, аламли хўрсинди. Сўнг катта ўғлига Тангридан инсоф, бахт-саодат тилаб бошлади.

Рашида дўмбоқ билганини сийпа-лаб уйга кириб кетди. Носир эса кўкрак қўнғагида жиринглаётган "сотка" телефонига эътибор бермай, дарвозага термулганича, бир нуқтадан кўзини узмай ўтирарди. Фалак эса бир маромда айланаётганди...

К. НИШОНОВ

## БОЛАНИНГ МЕҲРИГИЁСИ БОР

Ишдан келаётсам кўчамини бошида Гулбахор келин тўрт ёшли ўғилчасини чириллатиб йғлатиб, қўлидан ушлаб орқасига судура, у эса оёқларини ерга тираб олиб қаршилик кўрсатарди.

- Уйимизга, дадамга бораман! Мени қўйиб юборинг, - дея додларди.

Мени кўрган Гулбахор: - Буни қаранг, энди буни нима қилай-а? Уйга боришга кўнмаяпти, - дея шикоят қилган бўлди.

- Ахир сиз уни бошқа томонга судраясиз-ку, келин. Нимага уйингизга олиб бормаясиз? - деб сўрадим.

- Э, нимасини айтасиз... Бир хафта бўлди. Онамикига кетиб қолганман. Эрим билан айтишиб қолгандик. Уч кун уйга келмаганди... Сабабини сўрасам, силтаб ташлади. Кейин эшитсам...

- Биронта аёл билан гаплашарканми?

- Йўқ, у киши жарроҳ-ку, биласиз. Ёнидаги шериклари ҳам касал бўлиб қолиб, кетма-кет келган касалларни операция қилишиб, уйга келолмаган эканлар.

- Буни кимдан эшитдингиз?

- Синглим ҳам ўша касалхонада ҳамшира эди, шундан эшитдим. Эрим бизнисўраб келмаяпти, хафа бўлгани аниқ. Мен эса ўзимча бош эгиб қайтиб кела олмаяман, - деди хўрсиниб.

- Бўлмаса қайнонанингиз билан бир гаплашиб кўрайми? - деб сўрадим. Шу пайт кўчанинг ўртасида бир машина кўринди. Бола эса онасининг қўлидан чиқиб унга қараб чопди. Машина ёни-мизга келиб тўхтаб, ичидан тушган йигит болани кўтариб бағрига босди. Ўзларидан ўлди. Сўнг бизга юзланиб сўрашди-да:

- Гулбахор, бугун ойимнинг туғилган куни-ку! Уйга тезроқ борайлик. Машинага ўтира қол, - деди.

Юзлари бирпасда табассумдан яшнаб, энтикиб қолган Гулбахор сал иккиланиб турарди. Менга айтган гапларидан хижолатга тушганми... Ўғилчаси эса:

- Ур-ре! Энди уйимизга кетамиз ойижон! Тез чиқинг машинага, - дея онасини қўлидан судради. Болакай бирам шод эдики!

Юзлари табассумдан яшнаб, бирпасда энтикиб қолган Гулбахор ҳам машинага лип этиб ўтира қолди.

Болакай ота-онасининг ўртасига меҳриғи солганди.

ХАМИДА



Қулоққа чақилган гаплар

# ЯХШИДОР АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

“Севган инсон кечиб кетмайди” - 31 - сон

**ЭСЛАТМА:** Қизим кўзига линза тақиб юради. У совчиларини юборган йиғитга линза тақибини айтган экан, бошқа келмай қўйиша. Эрим билан қайнонам эса: “Энди совчилар келса уларга қизимизнинг линза тақибини айтмаймиз?” дейиша. Мен эса, “Тўйдан олдин ҳамма нарсани очиб айтиш керак” деган фикраман.

Муаллиф ГУЛБАШАКАР



**Мақолани** ўқиб жуда таъсирландим. Ҳа, қизнинг онаси жуда тўғри иш тутган. Демак бўлажак келин қайнонага тўғри келмабди. Қиз эса ўзини олдинда кутаёт-

ган турли кўнгилисиз гап-сўзлардан қутулибди. Кўзнинг нури нозик нарса экан. Мен ҳам вақтида унинг қадрига етмадим. Кўп китоб, газета ва журналларни ўқирдим. Соатлаб расм чизардим. Кечалари шеър ёзардим. Мактаб даврида доскадаги ёзувларни кўришга қийнала бошладим. Ота-онам буни сезиб кўз шифокорига олиб боришди.

Шифокор эса менга кўзойнақ тақшим кераклигини айтди. Мен эса кўзойнақ тақибга уялардим. Бир йигит мен билан сўрашиб юрар, баъзан учрашардик ҳам. Бир куни кўзойнагимни яширмасдан тақиб кўчага унинг олдига чиқдим. Унинг кўзларига қарамасам-да,

ёқмаётганини дилим билан сезардим. Шу кундан бошлаб у келмай қўйди. Шундан кейин фақат уйда тақадиган бўлдим. Кўзойнагимдан уялиб кўчага чиқмасдим. Китоб ўқирдим, шеърлар ёзардим. Бу орада нақшнинг ажойиб сирларини ўргандим. Хуллас, мактабни битириб хунар-техника билим юртида ўқидим. Уни битиргач Тошкент шаҳридаги чинни

ишлаб чиқариш заводига ишга кирдим. Чинни буюмларга бир-биридан ажойиб нақшлар чизардим. Лекин, кўзойнақ таққаным учун қимтиниб юрардим. Менга совчилар кўп келарди. Бўлажак қайнонам эса келавериб сира онамни тинч қўймади. Бир куни онам унга бор гапни айтиб берди. Қайнонам эса барибир рози бўлди, хурсанд бўлиб ўғли билан ўзи гаплашишини айтди. У бизга шун-

дай деган бўлса-да, ўғлига айтмаган экан. Тўйдан кейин ўзим айтдим. Лекин эримнинг муомиласи ўзгармади. Ҳеч қандай жароҳлик йўли билан эмас, ўзим фарзанд кўрдим. Кетма-кет учта фарзандли бўлдим. Кейинчалик кўзойнақсиз юришга қийнала бошладим ва тақибга мажбур бўлдим. Турмуш ўртоғим меннинг линза тақибимга руҳсат бермади. “Кўзойнақ тақавергин, нима бўпти?” деди у. Кўришнинг сал паст бўлгани учун кўпчилик газета ва журналлардан кечдим. Фақат “Оила ва жамият” газетасидан эса кечмадим, кеча олмадим. Кўзойнақ тақсам ҳам яхши оилага келин бўлиб, ҳозир бахтли яшяпман. Ўйлайманки, сизнинг қизингизнинг очилмаган бахти ҳали олдинда.

Лола ЛАТИПОВА,  
Чилонзор тумани.

**Оналар** қизларини ўзга хонадонга учирма қилишдан олдин, “Етти ўлчаб бир кесинг”, деган сўзга катта эътибор беришлари бежиз эмас. Мақолада инсоннинг ҳар доим ростгўйлик билан иш тутиши зарурлиги таъкидланади. Она келган совчиларга қизининг линза тақибини рўйи-рост айтади. Биринчи совчи қўйган йиғитнинг онаси буни эшитиб дарҳол олди-бердини тўхтатади. Қизнинг онасига турли гапларни айтади. У нима қилсин? Ахир линза тақса-да, жигарбанди. Касални яширса, иситмаса ошкор қилади, деганларидек, она қизининг бахтини ўйлаб, узокни кўзлаб иш тутди. Ҳар бир қиз турмушга чиқар экан, бахт остонасини ҳалоллик ва поклик билан босгани яхши. Масалан, меннинг кенжа қизим Дилороннинг бир бармоғи ёшлигида операция қилинганди. Гарчи, унинг асорати унчалик билинмаса ҳам, турмушга бераётганимизда куёвимиз Сайидолимжонга бу ҳақда айтганмиз. Ҳозир икки қиз ва бир ўғил фарзандлари бор. Бахтли яшашаяпти. Бир ували-жували она сифатида мен мақоладаги онанинг тутган ишидан жуда хурсанд бўлдим.

Афифа ХАСАН қизи,  
Тошкент шаҳри

**Опаҳон!** Мен сизнинг ишингизни жуда тўғри деб биламан, қадрайман. Қизингизнинг нуқсонини тўйдан сўнг маълум бўлса, ёшларнинг бахтли ҳаёт кечиришига ким қаролат бера олади? Қайнонангиз ва турмуш ўртоғингизми? Йўқ, асло! Агар бўлгуси қудалар тушунган инсонлар бўлса қизингизнинг бахти, сизнинг бахтингиз. Мабодо, ҳаммаси ақсинча бўлса-чи? Қизингизнинг шўри, сизнинг ғам-андухингиз. Аввало, бундай бўлмасин. Мен бахтсизликни нафақат сизнинг қизингизга, ҳаттоки, душманнинг қизига ҳам раво

**Худди** шунга ўхшаш воқеа меннинг ҳам бошимдан ўтганди. 7-синфдалигимдан кўзойнақ тақадиган бўлдим. Совчилар кела бошлаганида уйимиздагилар: “Ҳар доим кўзойнақда юрмагин”, дейишарди. Мен эса кўзойнақ билан ҳатто биринчи учрашувга ҳам чиқдим. “Мени ёқтирса, шу кўзойнақ таққан ҳолимда ёқтирсин” дедим-да. Бахтимга у тушунган инсон бўлиб чиқди.

Ортиқча гап-сўзларсиз мени шу ҳолимда ёқтириб қолди. Шукр, у мени яхши тушунади. 20 ёшимда турмушга чиқдим. Ҳозир ҳаётимдан

кўрмайман. Агар нуқсонини яшириб турмуш курсам ҳам кейинчалик уйидагилар билиб қолиб, ёшлар ажралишиб кетишарди. Ажралган қиз номини олгандан кўра, вақти келиб ўзига муносиб йигит топишга бағрингизда пок, топишга қўйиб ўтиргани яхши эмасми?

Опаҳон! Бу гапларни сизга сидқидилдан айтаялман. Чунки, ўз нуқсонларини айтмай турмуш қуриб, ажрашиб кетган қизлар камми? Сиз хавотир олманг. Аччиқ бўлса-да,

нолимайман. Тўрт нафар фарзандимиз бор.

Бу синглимнинг онаси тўғри йўлни танлабди. Совчиларга олдиндан тўғриси айтиш керак, менимча. Бир қизни биламан. Турмушга чиқаётганида кўзойнақ тақибини яширган. Турмушга чиққандан кейин уч-тўрт ойдан кейин кўзойнақ тақиб уйига борганди уйдагилари тушунишни ҳам истамади.

Охир-оқибат ажралишиб кетишди. Тоғли қишлоққа турмушга чиққанди. Айрим инсонлар кўзойнақ тақибини хавфли

ҳақиқатни айтиб яхши қилгансиз. Ушбу сўзларимни ўқигач қайнонангиз ва турмуш ўртоғингиз сизнинг ишингизни маъқуллашар, деб ўйлайман. Сизнинг ҳақиқатгўйлигингиз туфайли қизингиз кейинчалик албатта бахтли бўлиб кетади. Қизингиз ҳали ўзи ёқтирган йиғит билан танишиб, турмушга чиқади ва бахтли келинчаққа айланади. Мен бунга ишонаман.

НАСИБА,  
Навоий вилояти,  
Қизилтепа тумани.

касаллик деб тушунишса керак-да. У авлоддан-авлодга ўтмайди-ку. Масалан, бизнинг авлодимизда кўз қуввати кам бўлиб туғилишмаган. Фарзандларимнинг кўзлари ҳам, худого шукр, соғ-саломаат.

Мақоладаги синглим, ҳали ёш экан. Бир куни уни тушунадиган инсон топилади. Ҳаёт мўъжизаларга бой. Келгусида унинг олижаноб ва диёнатли бир йиғит билан турмуш қуришини истаб қоламан.

Бувайда,  
Оҳангарон тумани,  
Қорахитой қишлоғи.

**Яқинда** мен шундай воқеанинг гувоҳи бўлдим: Бир ҳафталик келинчақни линза тақибини айтмай турмушга чиққани учун тўйдан бир ҳафта ўтгач ҳайдаб юборишди. Орадан кўп ўтмай йиғитни уйлантиришди.

Опаҳон! Мен қайнонангиз ва эрингизнинг: “Энди совчилар келишса бу гапни уларга билдирмаймиз” - деган гапларига қўшилмадим. Сизнинг тутган йўлингиз тўғри. Очигини айтганда сиз номард, мустақил бир иш қила олмайдиган, тутуруқсиз йиғитдан қизингизни асраб қолибсиз. Ҳали уни бахтли қиладиган мард йиғит топилади.

Сизнинг қайнона ва эрингизга икки оғиз сўзим бор. Аввало, айтмоқчи бўлган сўзимга кечирим сўрайман. Совчиларнинг айниб кетишганини кўриб, кўнглингиздан нималар кечаётганини сезиб турибман, тушунаман. Сиз одамларнинг гап-сўзларини эмас, набирангизнинг бахтини ўйланг. Келган совчиларга ҳали йиғит билан учрашмасдан туриб набирангизнинг линза тақибини айтишингиз шарт. Дунёда тушунадиган яхши одамлар кўп. Қаттиқ гапириб юборган бўлсам уэр. Оллоҳ қизингизга кўркам ёр ато этсин!

Лиза РЕЙИМОВА,  
Қорақалпоғистон,  
Тахтақўпир тумани.

**Севимли** газетамнинг ҳар бир сони олис қишлоқдаги хонадонимга бир олам шодлик олиб келади. Бу галги сонда Гулбашакарнинг кўзойнақли қиз ҳақидаги мақоласини ўқиб ўзимнинг фикримни билдиргим келди. Нима бўлганда ҳам тўйдан олдин ота-оналар келиннинг ҳам, куёвнинг ҳам камчилигини рўйи-рост айтишлари шарт. Мақоладаги қизнинг онаси жуда тўғри йўл тутган. Бунинг учун унга катта раҳмат. Чунки, баъзилар иложи борича фарзандларининг айбини яшириб узатишга ҳаракат қилишадиди, кейинги турли асаббузарликлар ва машашалар учун замин яратишади. Агар куёв бўлиши чиндан ҳам бу қизни севганида эди, буни онасига ётиги билан айтган бўларди. Насиб бўлса қизимнинг ҳам бахти очилиб кетади. Аёл кишининг қирқта чирғи бор, бири бўлмаса, бири ёнади. Оллоҳ ҳали ҳеч кимни тоқ қилиб яратмаган. Ён қўшилариимиз Санобархон ва Абдусамат Раҳимовларнинг икки қизи, уч ўғли бор эди. Кенжа ўғилларини Яйпандан

Қаноатхон деган қизга уйлантиришди. Унинг ўғли бу қизни ёқтириб қолганида, келиб онасига бор гапни айтди. Онаси эса: “Майли болам, ўзингга ёққан бўлса бўлди”, - деди. Мана, уларнинг турмуш қурганига ҳам 16 йил бўлди. Тўрт нафар фарзандлари бор. Қаноатхоннинг фарзанд кўриши ҳам кўзларига зарар қилгани йўқ. Қаноатхоннинг ота-оналари вафот этишгач, улар ота ҳовлисига кўчиб келишди. Куёв Абдулазиз ҳозир “Яйпангаз” идорасида ишлайди. Қаноатхон эса чеварлик қилади. Билиб-билмай бировнинг боласи ҳақида турли гапларни гапириш осон. Ахир бу дунёда одамзоднинг бошига нелар тушмайди. Балки, ўша йиғит кўзлари чиройли ва соғлом қиз билан бахтли бўлиб кета олмас? Шу қизимнинг ўз жуфтини топиб ҳамма ҳавас қилгудек оила қуришига тилакдошман. Иложи бўлса кейинги ҳаёти ҳақида ёзиб юборса, жуда хурсанд бўлардим.

Паттихон САМАДОВА,  
Фарғона вилояти,  
Ўзбекистон тумани,  
“Соҳибкор” ширкат хўжалиги

**Севган инсон ҳеч қачон севгилсидан воз кечиб кетмайди. Ўз бахтини ўзи жара ташламайди. Йиғитга ҳам ҳайронман. Бир ой гаплашиб юрибди-ю, биргина унинг нуқсонини учун ташлаб кетибди-я!.. Эй, йиғит! Эндигина сизга меҳр қўйиб ардоқлаган қизингиз қалби билан ўйнашибсиз. Сизда ўқтамлик, мустақкам ирода йўқ экан. Оллоҳ сизни шундай ақлли, чиройли, меҳрибон қиз билан сийлагани учун дўптингизни осмонга отишингиз, қиздан уэр сўрашингиз керак эди. Севган инсон севгилсини линза таққани учун ташлаб кетмайди-ку! Ким билади, балки, ўзингизнинг ҳам бирор нуқсонингиз бордир? Бу ҳаёт давомида юзага чиқар. Эҳтимол, ўзингизнинг ҳам кўзойнақ тақибингизга тўғри келиб қолар? Оллоҳ кимнидир нуқсонли қилиб яратган бўлса, нега сиз ҳам унинг кемтик қалбини жараҳатлайсиз? Ваҳоланки, биз ҳам, сиз ҳам унинг ўрнида бўлишимиз мумкин-ку!**

Сингилжон! Ҳеч тушқуликка тушманг. Сиз боқира қизсиз, ҳали

ҳаётингиз олдинда. “Одамлар гапиради”, - деб изтиробга тушманг ҳам. Улар ҳам гапира-гапира бир куни чарчашади. Мен Нодира исмли қизни билардим. У линза тақиб юрарди. Чиройли, ақлли ва пазанда бўлган бу қизни кўрган йиғит борки ҳушини йўқотарди. Юрган йўлида кўп йиғитлар севги изҳор қилишарди, аммо, линза таққани учун ҳеч ким унга уйланишни истамади. Нодира эса Оллоҳдан ўзини тушуниувчи, ардоқловчи ёр сўрарди. Қуларнинг бирида у ажойиб бир ишиз билан танишди. Улар бир-бирларига бўлган севгилари ва ота-оналарининг розиликларини билан турмуш қуришди. Ҳозир уларнинг икки нафар ширингина қизалоқлари бор. Нодирага уйланишдан чўчиган йиғитлар эса бармоқларини тишлаб қолишди. Мана кўрдингизми, ўша сиз гаплашган йиғит ҳам бир куни пушаймон қилади.

Нигора ЗАРИПОВА,  
Бухоро вилояти,  
Пешку тумани.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

ЭЪЛОНЛАР!



**Азиз жияним  
САОДАТ!**  
Сени туғилган кунинг билан чин дилдан табриклайман. Ота-онанга меҳрибон инсон бўлиб етишгин.

Оила азизларинг номидан Олшм ака.

**Опажоним  
РАЪНОХОН!**

Таваллуд айёмингиз билан кутлаёмиз. Бахтли, саоатли бўлиб юртинг. Сизни яхши кўрамыз.

Оила азизларингиз.



**Асаатойимиз  
ФАТХУЛЛАЖОН!**  
Сени 3 ёшга тўлашинг билан кутлаёмиз. Умринг беғубор, узоқ ва бахту саоатга тўла бўлсин.

Аланг Лутфулла, онанг Дилрабо, укачанг Жавоҳир

**Азиз сингламиз  
ДОНО ва кўёвчимиз  
ЗУХРИДДИН!**

Сизларни таваллуд айёмингиз билан қизғин кутлаёмиз, бахт ва омад тилаёмиз. Оллоҳ давлатингизни янада зиёда қилсин.

Опангиз Марҳабо.



**Хурматли Акбар  
БОЙАХМЕДОВ!**  
19 ёшингиз муборак бўлсин. Сизга соғлиқ, омадли ҳаёт, сермазмун умр тилаёмиз. Пок ниятлар ҳамроҳингиз бўлсин.

Сизга хурмат ила яқинларингиз.

Рафиқам Адолат ҚУЗИЕВА!

Сени туғилган кунинг билан табриклаб, узоқ умр, бахт-саоат тилайман. Бахтимизга соғ-омон бўлиб юртинг.

Турмуш ўртоғинг Сулаймон, қизларинг Юдуз, Феруза, ўғлинг Мансур.

**Укамиз АБРОР!**

Таваллуд айёминг билан кутлаёмиз. Сингламиз Махсума билан фарзандлар камолини кўриш сизларга насиб қилсин. Набираларинг янаям кўпаяверсин!

Аханг Раҳматилла, келиннинг Марҳабо.



**Алаажонимиз Бахтиёр ҲАМИДОВ!**

Сизни туғилган кунингиз билан табриклаб, соғлиқ, узоқ-умр, бахт-саоат, омад тилаёмиз.

Фарзандларингиз ва рафиқангиз Норжон.

**ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!**  
Малакаи шифокор, табиий, шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дорилар ёрдамида эркакларда учрайдиган **простатит, аденома, бепуштлиқ, потенция пасайиши** хасталикларидан ҳамда **хламидия, уреоплазма** каби инфекциялардан ҳам тезда, батамом халос бўлишга ёрдам беради.  
**Мурожаат учун тел: 112-12-86. 10.00дан 18.00гача.**

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар "Оила зийнати" Маркази кизларни ва келинчақларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида кўйидаги касблар бўйича ўқув курсларини ташкил этди. Марказда кам таъминланган оила фарзандлари бепул ўқитилади.

**Ўқув муддати 2 ойлик курслар**  
- Бичиш-тикиш "Элита" усулида пардалар, чойшаблар ҳам тикиш • Бисерлардан фойдаланиб тикиш • Бошлангич компьютер билимлари (Windows 2000) • Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш • Сартарошлик • Косметология • Маникюр • Бухгалтерия-касса аппарати назоратчиси-Кандолатчилик-олий курс.

**Ўқув муддати 3 ойлик курслар**  
- Миллий кўрпа-кўрпачалар тикиш • Юмшоқ ўйинчоқлар, бешик кўрпачалари ва ёстиқчаларини тикиш.

**Ўқув муддати 4 ойлик курслар**  
- Массаж ва ўй хамширлиги • Бичиш-тикиш (бошловчилар учун) • Машинада гул тикиш (вишижка).

Курсларни битирган ўқувчиларга махсус сертификат берилади.  
Манзил: "Халқлар Достлиги" метроси. Фуркат кўчаси, 1 ун. Мўлжал: Республика спорт қўмитаси. Тадбиркорлар палатаси, 2 қават, 202 хона, 413 хона.  
Телефон: 45-18-42, 29-28-58.

**"UMID va ISHONCH"** Тиббий-маркази қўйидаги мутахассисликлар бўйича хизмат кўрсатадилар:  
Жарроҳ, жарроҳ-косметолог, уролог, дерматолог, гинеколог, терапевт, кардиолог, невропатолог, ЛОР, педиатр, укаловчи, ҳамда УТ диагностика, ЭКГ (компьютер ўқиш), биохимик анализларни, физиотерапия ва гидромассаж ванна ва бошқалар. Шу билан бирга бизнинг марказда бўлажак келин-кўёвлар учун 10% чегирмали консултация ва диагностика усуллари олиб борилади.

**БИЗ СИЗНИНГ ЧИРОЙИНГИЗ ВА СОҒЛИГИНГИЗ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ!**  
Манзил: Тошкент шаҳри, Бешёғоч массиви. Тел: 45-07-42, 45-07-72

**УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ ЭМЛС ҚОЗИЕВИЧ**  
**ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОФРИГАН ҚОВУГИ БЎШ ЎҒИЛ ВА ҚИЗ**  
**болаларни БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.**  
Бўйрак, қовук, простата бешик касалликларини ДАВОЛАЙДИ.  
Манзил: Марказ-15, 12-уй (Жангоҳ маҳалла)  
Мўлжал: Метронинг F. Ғулом бекати. Тел: 144-46-87 9:00-17:00гача  
Шанба кунлари 9:00-11:00гача

Профессор Эргаш САЛИМОВ клиникаси барча турдаги аллергия, бўғин, ошқозон-ичак хасталикларини, касаллигини, нижон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонал дорилар қўлланилмайди. Аллергия касалликларини аниқлаб, даволашда турли аллергияларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.  
**МАНЗИЛИМИЗ:** Тошкент, Уйғур Хўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 144-64-30.

**ТАТУ 4-курс** талабаси **ҲАМРОЕВ ДИЛМУРОД ТОШТЕМИРОВИЧ** номига 1997 йилда берилган **ТМ-09700-67** рақамли синов дафтараҳиса йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

**БИР ЙИЛДАН СЎНГ...**

Мен ўзим камдан кам туш кўраман. Ёз кунларининг бирида ҳовлидаги сўрида қотиб ўкиб ётиб ухлаб қолибман. Тушимда оппоқ рўмол ўраган марҳум катта Аяжоним келиб, бошимни силлаганча: "Кизим, мен сенга мана бу тилла узукни бергани келдим. Сен уни Манзура опанга олиб бориб бергин, унутмагин!" - дермишлар.

Уйғониб кетдим тушимнинг таъбирини тополмай ҳайрон бўлиб қолдим. Сўнг ҳовлида сабзи тўғраб ўтирган Феруза холамга ёрилдим: "Самарқанда яшайдиган қариндошимиз Манзура опамга берилган узукнинг қандай ҳосияти бор экан?" Холам: "Аям бошингни сийлаганлари - яхшилик, Манзурага берилган узук - қиз фарзанд, дейишди. Аммо узук нега сен орқали етказилаётганига тушунмадим... У Самарқанда бўлса, сен Тошкентда?..." - дедилар. Хуллас, иқовимиз ҳам ўшанда бу тушнинг ечимини тополмадик.

Орадан икки ойлар чамаси ўтгач, анчадан буён кўрмаганимиз - Манзура опа эри билан бизни кўришга меҳмон бўлиб келишди. Сўхбат давомида Манзура опанинг тўрт йилдан буён фарзандсизлиги, кўрсатмаган табиий қолмаганлиги ва охири аямдан ишончли шифокорларига кўрсатишни сўраб келишганини тушундим. Эртаси аям вақтлари зиклиги сабаб, таниш шифокорларининг манзилини менга бериб, унга Манзура опани кўрсатиб келишимни тайинладилар. Айтганларини бажардим. Манзура опа ўн кун бизникида туриб даволандилар. Уларни ҳар кун шифокорга мен олиб бориб келардим.

Ун ой деганда, Манзура опа фарзанд кўрдилар. У қиз бола эди! Алҳамдулиллоҳ, яхши кун ҳақида бир йил олдин тушимда катта аяжоним хабар берган эканлар. Мен эса кейинги ёзда ТоШМИ талабаси бўлдим.

**Мадинабону САТТОРОВА,**  
Тошкент.

**Об-ҳавони аниқлаш марказининг маълумотига қараганда республикамизда ҳаво бироз булутли бўлиб, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси 18-23°, кундузи эса 34-39° иссиқ бўлади. Республикаимизнинг жануби ва чўл ҳудудларида ҳарорат 40-41° гача кўтарилади.**

**М У Н А Ж Ж И М Л А Р**

**КЎЙ (21.03 — 20.04).** - Бошлаган ишингиз сиздан анча куч, ғайрат талаб қилади. Бу эса сизга кутилмаган шону шуҳрат келтиради.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Таваккал иш қилишга шошилманг. Яхшиси дўстларингиз билан маслаҳатлашинг.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Хотиржам кечган ушбу ҳафтада атрофдагиларга бўлган муносабатингизга танқидий кўз билан қараб чиқинг.

**ҚИСКИЧАБАҚА (22.06 — 22.07).** - Ишларингиз омадли кечса-да, ёлғизликдан қийналасиз. Дўстларингиз билан учрашиб, хордиқ чиқаринг.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Хизмат сафарига кетишни пайсалга солманг. Бошлигингиз билан муносабатларингиз бузилиши мумкин.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Кўпроқ сизни қадрловчи инсонлар даврасида бўлинг. Унутманг-ойлада сизни севишадди, сизга суянишадди.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Лавозимингиз ва маошингизни оширишлари мумкин. Ҳафта омадли бўлиши кутилмоқда.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Катта режалар тузишга ошиқманг. Айниқса бу ҳафта тижоратчилар эҳтиёт бўлганлари маъкул.

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12).** - Ҳафтанин иккинчи ярмига бориб сиз атрофдагилар билан тил топишиб кета оласиз ва ҳурмат қозонасиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).** - Ҳаёлий омадга ишонманг. Муваффақият фақат ўз ақлу заковатингиз ва меҳнатингиз билан келишини эсда тутинг.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Бу ҳафтада моддий томондан қийинчилик пайдо бўлиши хавфи бор. Сарф-харажатингизни сал камайтиринг.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Севглингиз билан учрашасиз. Аммо, унга тижорат сирларингиз ҳақида гапирмаганингиз маъкул.

Эрталаб ишга келсам, тахририятдан дархол Акмал Икромов туманида жойлашган туманларо-ро судга боришим кераклигини айтишди. Маълум бўлдики, ўша тумандан бир аёл бугун соат 10<sup>00</sup> да уч фарзанди бор синглисининг турмушидан ажралиши иши кўрилишини кўнгирак қилиб айтибди ва тахририят аралаш-са Балки ажралиш юз бермаслиги, болалар етим қолмаслигидан умид қилибди. Суд бош-ланишига бор-йўғи ярим соат қолганлиги сабабли югуриб кетдим. Автобусда, метро ва яна автобусда бир амаллаб суд идо-расига етиб борганимда ҳали эндигина ажралиш масаласи кўриладиган оилга навбат кел-ган экан. Тахририятдан Б. ва Н.нинг оилавий ажрим ишини судья Бахтиёр Мадаминов кўри-шини айтишганди. Шунинг учун дархол судяга учрашиб, ажрим ишида қатнашишга рухсат сўра-дим. "Жимгина бир четда ўти-риб эшитаман, ажралиш сабаби-ни билмоқчиман холос", - де-дим.

Афсуски, судья мени ичкарига киритмади. Сабабини сўрасам: "Бориб раисимиздан рухсат олиб келинг. Кейин киритаман", - деди. Раисдан: "Бу масалани фуқаролик ишини кўраётган судьяларнинг ўзлари ҳал қилиша-ди", - деган жавобни олиб кел-ганимча ажрим иши кўриб бўли-нибди. Суд зали эшиги олди-да бир-бирларини ҳақорат-лаб уришаётган эрак ва аёлни кўриб, ажралмоқчи бўлганлар шулар эканлигини тушундим. Ёнларига етиб келганимда эр: - Сиз журналистмисиз? - деб сўради.

- Ҳа! - дея жавоб бердим.

- Менга қаранг, сиз менга: "Хо-тинингдан ажрашма", деб ақл ўргатишга келган бўлсангиз йўлингиздан қолманг. Мен ал-лақачон бошқа аёлга уйланиб ҳам олганман. Бошқа сизга ай-

тадиган гапим йўқ, - деди-да, би-нодан отилиб чиқиб кетди. У кет-ган, ёнимга 30 ёшлардаги тўла аёл келди ва:

- Опа, тахририятга менинг опам кўнгирак қилган эканлар. Ҳозир кетган киши менинг эрим бўла-ди, - деди-да кўзига ёш олди.

Суд биноси ичидаги фаввора ёнига ўтдик. Мен ундан нима са-бабдан турмуши бузилаётганли-гини сўрасам:

- Мен эримга хотинликка ярамас эканман, - деди кўзига ёш олиб.

"Ташунамадим. Кўринишингиздан соғ-саломатга ўхшайсиз. Бу га-пни қайси маънода айтаяпсиз, - дея сўрадим.

Аёл елкасини қисди.

- Қачон турмуш қургансиз-

бўлиб, уй-рўзгорга, болала-рингизга яхши қарай олмас экансиз-да? - сўрадим яна.

- Йўқ опахон! Болаларимни боғчага бериб, уй-жойимни са-ранжомлаб кейин бозорга бора-ман. Бозордан қайтишда болала-римни боғчадан ўзим оламан. Рўзгор ишларини ҳам ўзим ба-жараман.

- Унда эрингиз нега сиздан норози? - сўрадим.

- Бозорни биласиз-ку, ҳар хил одамлар билан муомала қиламиз. Кимдир яхши, кимдир ёмон... Кимдир дўст, кимдир душман. Хуллас, эримга кимдир мени ёмонлаб ёмонотлиқ қилибди. Шунис ҳам бозорда ишлашимга қарши бўлган эримга бу гап қўл келди ва бўлар-бўлмасга жанжал чиқарадиган бўлди. Охири ажра-лиш учун ариза берди.

- Ҳўш, шундай экан, нега

ёшлиги сабабли бизга ярашиш учун бир йилдан бери муҳлат бе-риб келишаётган эди. Судья эрим-га: "Ажрашиш учун баҳона бўла-диган сабаб топиб келмагунин-гча сизларни ажратолмайман. Ҳалиям бўлса фарзандларингиз тақдирини ўйлаб, ярашинглар", - дедан. Бироқ, эрим ярашиш ўрнига ажралишни афзал кўрди. Бошқа аёл билан турмуш қурганлигини сабаб қилиб кўрсатапти. Бугун эса бир ёш хотинни бошлаб келибди ва судда: "Мен аллақачон уйлан-ганман. Уйланганимга уч ой бўлди. Мана хотиним", - деб уни кўрсатди. Судья ноилож аж-римни жума кунига қолдирди. Жума кунги охириги судимиз бўлади. Сиз кўрмадингиз эрим, ўша хотин билан чиқиб кетди, шу кунгача ҳалиям бўлса эрим билан ярашармиз, деган ўйда эдим. Энди эса мен билан ярашмас-лигига ишон-

у, лекин эрингиз билан йўлак-да ҳаммининг кўзи олдида уришганларингизни кўрдим. Ёнидаги аёлни ҳам. Гаплари-га, важаотига қараганда ҳеч қачон сиз билан ярашиш ния-ти йўқ. Шундай экан нима қиласиз жанжаллашиб? Яхши-си, ўзингизни фарзандлар бил-лан келгусида қандай яша-шингиз ҳақида ўйланг. Қаерда, қандай яшамоқчисиз? Нима-ларга ҳақ-ҳуқуқингиз бор? Жур-налист ҳам сиздан тўғри сўра-япти. Нима қилмоқчисиз?

- Билмадим, лекин бу маса-лани албатта ҳал қилиш керак, - деди Н.

Адвокат аёл:

- Агар истасангиз ёнимга ке-линг. Фарзандларингиз ва ўзингизнинг мол-мулк, али-мент ундириши хусусида қандай ҳақ-ҳуқуқингиз борлигини ту-шунтириб бераман. Эрингиз тушунишни истамай, болала-рингиз билан сизни уйдан қу-вса, судга беринг. Ҳужжатларни тайёрлашда албатта ёрдам бе-раман, - деди.

Мен Н. билан хайрлашиб кета туриб, йўлакда судьяни кўриб қолдим. Ёнига бориб сўрадим:

- Ўша оилани асраб қолиш мумкинми? Гарчи судья оила-ни сақлаш учун барча чора-тад-бирларни кўрган бўлса-да, не-гадир яна жавоб бермади ва: "Рухсатнома сизнинг жавоб бер-майман", - деб бурилиб кетди. Мен хайрлашиб кетдим.

Оилани сақлаб бўлмаслиги шундоқ кўриниб турарди. Жан-жаллар чуқурлашиб, ўз ишини қилиб бўлганди. Отанинг муз-лаган қалбини ҳатто ўз пушти камаридан бўлган уччала нора-сиданинг мунгайиб қарашлари эритолмаслиги аниқ эди. Оила бузилди. Аёл ўз болаларини бағрига боғсанча болард эр — отанинг ортидан қараганча қолаверди.

Лёла АХМЕДОВА

## ОИЛА НЕГА БУЗИЛАДИ?

лар? - деб сўрадим.

- 11 йил олдин турмуш қурган-миз. 3 фарзандимиз ҳали жуда ёш. Каттаси энди 8 га кирди.

- Эрингиз нима иш қилади, ўзингиз чи? - сўрадим.

- Эрим ўқитувчи. Маошлари оилаимизни тўла таъминлашга ет-майди. Шунинг учун мен ҳам Фа-рҳод бозоридан савдо билан шу-ғулланаман. Тўғриси айтсам шовиш турган деҳқонлардан мева-чевалари олиб, устига бир-икки сўм қўшиб сотаман. Шу йўл билан эрим-га, рўзгорим-га қарашаёт-ган эдим.

- Демак, сиз кунни билан бозорда банд

унинг айтганини қилиб уйда ўтира қолмадингиз? Оилани ўзи боқсин эди.

- Билмадим. Уйда ўтириб, бо-лаларимни тарбиялашни ўзим ҳам жон-жон деб истаймди. Ле-кин оиламиз дарз кетиб бўлган-лиги сабабли келиша олмадик.

- Демак, бугунги суд ажрим билан тугаган экан-да? - де-дим.

- Биласизми, фарзандларимиз


дим, - деди.

Мен яна сўрадим:

- Энди нима қилмоқчисиз. Болаларингиз билан қаерда яшайсиз?

- Эримга қолса, мени болала-рим билан ўз уйимиздан чи-қариб юбормоқчи. Лекин менинг борадиган жойим йўқлиги учун унинг уйда яшашга маж-бурман. Қайнонам ҳам, эрим ҳам энди бизга "кетинглар", дейиш-моқда. Бундан кейинги ҳаётим қандай кечади, билмайман, - деди. Шу пайт бизга яқин жой-да турган истараси иссиқки-на, 50 ёшлар атрофидаги аёл гапимизга аралашди.

- Гапларингизни эшитиб тур-ганим учун уэр. Тасодифан эшитдим. Синглим, мен шу ерда адвокат бўлиб ишлай-ман. Ажрим ҳақидаги суд кан-дай ўтганлигини билмайман-



## Суд залидан

Оилани бир тилсим дейишлари рост. Бегона бир киши билан аҳду паймон қилиб, бир ёстиқча бош қўйган бошқа-ю, лафзига содиқ қолиб, бир умрлик, яъни умрига йўлдош бўлиш бошқа экан. Аслиддин биринчи хотини Гуласалга тўю

## ЛАФЗИНГ БОРМИ,

томоша қилиб, уйланганди. Уч-тўрт йил яшади. Аммо, фарзанд кўришмади, бунга юзига солаверадиган қайнонасининг зуғумлари Гуласалнинг жонига тега бошлади. Ахир айб ундами? Худо бер-маса нима қилсин?! У дастлаб қайнона-сига бу ҳақда обдон тушунтирди, сўнгра гап қайтарадиган одат чиқарди. Шундо-гам бу "туғмас" келиндан эртароқ куту-лиш илинжида юрган қайнонасига бу қилиги қўл келди ва ундан кутулишига баҳона бўлди. Улар ажралишди. Аслид-дин хотинини яхши кўрар, аммо онаси-нинг эзмидан ҳам чиқолмаганди.

Хуллас, унинг учун бўйдоқлик даври

бошланди. Қайно-на-келин ўртасида-ги гиди-бидилар-дан зада бўлган йигит уйланишга шошил-масди. Лекин қариганда сигир соғиш, ов-қат қилиш, уй ва ховлини супуриб-сиди-риш ишлари онасига ҳам малол кела бош-лади. Чор-атрофдан келин қидиришга тушди. Бироқ, у топган қизларнинг ҳеч бири ўғлига маъқул келмади. Унисини "ўпоқ" деса, бунисини "сўпоқ" деди. "Бўлмаса ўзинг топ-да!" - деди онаси. У энди чертиб-чертиб олмоқчи эди.

Шунинг учун ҳам уйланишга шошилмас-ди. Шундай кунларнинг бирида у Асида исмли аёлни учратиб қолди. Бир-икки учрашди ҳам. Униси тегадиган, буниси

## ЎИГАТ!

ўз фамилиясига олиб мардлик қилди. Узагининг пушти камаридан бўлган бола уни "ота" деб чақирарди. Бироқ одамлар ҳам "оғзи билан юришарди". У ер, бу ерда, ўтиришларда Аслиддинга дашном берувчилар, юзига соладиганлар чиқди. Бу орада бола бир ёшга тўлиб, қиликлар-и ва ҳатто тили ҳам чиқиб қолди. Аммо, унинг "ота" деб аташи, Аслиддинга ҳақоратдай туюлар, болани кўриши би-

дан одамларнинг дашномла-ри эсига тушарди. Шу ўйлар билан юр-ган чоғларида, бир-иккита қишлоқдош-лари Россияга пул ишлаш учун кета-диган бўлиб қолишди. У ҳам қўшили-шиб жўнади. Аммо, кетиш олдида суд-га оталиқни тан олмаслиги, бола унинг пушти камаридан бўлмаганлигини хо-тини ҳам тан олишини айтиб, шу боис никоҳни бекор қилиш ҳақида даъво аризаси бериб кетишни унутмади. Суд ҳаёти даъвогарнинг даъвосини, бу борада хотинининг эътирозини, гу-воҳларнинг кўрсатмаларини атрофли-ча кўриб чиқди. Оила қуриш дегани ўйинчоқ эмас-ку, ахир. Хотин буюм эмаски, ҳадеб алмаштирвераса. Унинг ҳам орзу-хаваси, ўй-фикрлари бор. Қо-лаверса, бошида унинг ўзи мардлик қилиб, болани фамилиясига олган: Фамилиясига олиш эса унинг тақдир-и учун жавобгарлики зиммасига олиш дегани. Одамда лафз деган нарсас бор, ахир. Суд шуларни ҳисобга олиб, даъ-вони бекор қилди.

Асрор дастлаб Марҳаматни ёқтириб қолиб ўз никоҳига олди. Қишлоқнинг олд қизларидан бўлган Марҳамат хуш-рўйги-на, хушқақчақ, ўз навбатига итотли қиз эди. Йигитнинг хушмуомалалиги, "осмон-даги ойни олиб бераман" қабилидаги ваъдалари уни ром этди. Ота-онаси: "Қўй, болам, унинг ота-онаси сал бад-жаҳроқ, сен билан бизга ўхшамайди", дейишига қарамай, Марҳамат унга тур-мушга чиқадиган бўлди.

Ўйдан олдин юзидан табассум аримай-диган Асрорнинг ёқимсиз қилиқлари шунчалик кўп эканки, ёш келинчақ бу-ларга чидаша, аламини ичига ютишга мажбур эди. Арз қилиб ота-онасига бор-са "ўзинг пиширган ош", дейишди. Қай-нона-қайнотаси эса, ноҳақ бўлса ҳам ўғлини ёқлаб тураверганди. "Ҳамма айб

## ТАҚДИР ҲУҚУМИ

филди. Хайриятки, тўртинчи йили ўғил кўришди. «Умри узоқ бўлсин», дея Умр-зоқ деб ном беришди. Шундан сўнг Мар-ҳаматнинг ҳам дарди зўрайди. Эри эса уни даволатай демасди. Аксинча: "Сени даволатишга ортиқча пулим йўқ", - дерди. Нима қилсин, онасиникига борсинми? Йўқ, у ерда ҳам, - "Узинг пиширган ош", - дея таъ-на қилишди. Ўз ёнига ўзи қоврилиб юр-ган Марҳамат охири холдан кетиб, йикил-

ди. Шундагина эри уни касалхонага олиб борди. Аммо, дард ўз ишини қилиб бўлганди. Ортидан хабар олишга оназоир борганида: "Қизингизнинг вақти-соати етиб қолган. Олиб кетаверсаларингиз ҳам бўлади", - деган совуқ гапни эшитди. Ноилож, жигаргўшасини ўраб-чирмаб уйига олиб қайтди. Ўғилча-сини ҳам олиб келди. Қизининг умри қисқа экан, кўп ўтмай бу ёлгон дунёни тарк этди. Номард эр жуфтлу ҳалолнинг на мо-там маросимида, на бошқа маъракалари-да қорасини кўрсатмади.

Марҳаматнинг қирқи ўтгандан кейин, нобақор эр ўғлини сўраб келди. Табиий-ки, қарғиш, сўкиш эшитиб қайтиб кетди. Сўнг ақаси ва маҳалла оқсоқолини жўнат-

ди. Бундан ҳам натижа чиқмади. Охири судга мурожаат қилди. Инсонийлик нуқ-таи назаридан олганда, унга болани бер-маслик керак, у бунга аризмасди. Аммо, қонун Асрор томонда эди. Биз ҳам ўз қалб амримизга тескари иш қилишга, қону-ний ҳулоса қилишга мажбур бўлдик. Хул-лас, ноинсоф отага ўғлини қайтаришга мажбур бўлдик. Чунки, бола тарбиясида қонун нуқтаи назаридан у бошқаларга нисбатан кўпроқ ҳуқуққа эга. Билъакс; тақ-дир ҳукми ҳеч нарсадан хабари йўқ но-расидани нобақор ота қўлига топшир-ди. Ишқилиб унинг ҳаёти, умри, бечора онасиникига ўхшамасин-да...

Самат АЛИБЕКОВ, фуқаролик ишлари бўйича Паст-даргом туман суди раиси, Хайрулла ХАМПОЕВ, журналист.

Ёшим 16 да. Лекин четдан қараганда менга 20 ёшдан юқори берилади. Бу албатта, менинг ҳаддан ташқари кўп сиқилишларим оқибати бўлса керак. Оила - муқаддас даргоҳ. Ота-онанинг ўзаро меҳри, муҳаббати, вафо, садоқати уни янада мустаҳкамлаб, фарзандлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Менинг ҳам орзуим ана шундай оилада яшаш эди. Лекин тақдир белгиллаганидан қочиб ҳам ўзгартириб ҳам бўлмас экан. Афсуски, мен ўзим орзу қилганимдек оилада тарбия кўрмадим. Бугунги барча азобларимга, аввало сабаб шу, деб ўйлайман. Мен ҳам балки яхши муҳитда ўсганимда бундай аҳволга тушмасмидим?..

12 ёшимда дадам ойимни хиёнатда айблаб, ажралишди. Шундан бошлаб ҳаётим ўзгарди. Дадамни жуда яхши кўрадим. Лекин ойимнинг хиёнаткорлигига ишонмай, ёнани олиб дадамдан юз ўгирдим. Дадам қаттиққўл эди. Шу сабабли улардан айри яшаш мароқлидек туюлди. Ойим ишлайди. Мен эркактой кунжа қизлигим учун айтганим мухайё. Ҳатто, ёлғизгина опамнинг ҳам гапи ўтмайди. Ойимнинг озагина эркалансам, айтганларимга кўнади. Ҳаёт борган сари қизиққай туюла бошлади.

Шундай кунларнинг бирида мактабдошим Бобур менга севги изҳор қилди. У чиройли, келишган, жуда ҳам бой бола эканлигидан қизларнинг кўпчилиги уни деб эс-хушидан айрилган ҳам эди. Бобур менга ҳам ёқарди. Дугоналаримнинг маслаҳатига кўра, у билан гаплаша бошладим. Муносабатимизни мактабдагилар билгач, ўқитувчилар анча гаплар билан "сийлашди". Мен ҳеч қимга эътибор бермасдим. Чунки менда ҳамма нарса бордек эди. Яхши она, севимли "йигит", кўпларда бўлмаган хўсн... Бобурни ойим билгач: "Қизим, яхшилик ўйла, хато қилиб, кейин бир умр пушаймон бўлма. Мен сенинг қийналишингни хоҳламайман", - деди. Мен шу йўлдан қайтмайман, деб ойимни кўндирдим. Энди ҳамма нарса ошқора, эрталаб Бобур "Нексия"сида ўқишга олиб келарди. Бирга қайтардик. Кунни бирга ўтказиб, дискотекадан сўнггина ўз уйимизга қайтардик. Лекин кутилмаганда менинг ойим билан унинг дадаси севишганимиз бўлиб чиқишди. Бундан икковимиз ҳам довлараб қолдик. Учрашиб юришаркан. Отажонимнинг ҳаётимни остин-устун қилиб юборди. Энди Бобур мени "ўзиники" қилиб олган, айтганини қилдириб, буйруқ бера бошлади. Ундан ҳам, уйимдан ҳам безиб қолдим. Кунни ҳеч қим йўқ жойларда сигарет чекиб ўтказиб, тунда дискотекаларда байрам қилиб, ўзимни ўзим хурсанд қилардим.

Бир кун Бобурнинг онаси уйимизга келиб уриш-жанжал қилди. Шундан кейин ойим билан Бобурни дадасининг муносабатларига нуқта қўйилди. Бобур эса алаmidан мени зўрламоқчи бўлди. Аммо яхшиям урдасидан чиқолмади. Хўрланганим учун қасос олишга қасам ичдим ва фуқаролик судига ариза ёздим. Шундан сўнг ҳаммаси тамом бўлди. Бўлиб ўтган воқеалар менга ҳам, ойимга ҳам яхшигина сабоқ бўлди, деб ўйлагандим. Бироқ мен яна адашдим. Чунки бу орада ўз дадам бошқа одамлигини, опамники бошқа эканлигини, "дадам" деб юрган инсон билан ойим ўша киши (Жасурнинг дадаси) туйайли ажрашишганини билдим. Ўзимнинг ҳақиқий дадам доим бизни пул билан таъминлар, менинг барча харажатларимни кўтарар экан. Қаранг-а,

китоб ўқиб, дарс қилардим. Тикувчиликни ўргана бошладим. Шундай кунларнинг бирида кутилмаганда Фарҳод менга севги изҳор қилди... У ҳаётимдаги барча воқеаларни билишини, шунга қарамай мени бахтли қилишини айтди. Ўйлаб қолдим. Иккимиз икки хил муҳитда тарбия кўрганмиз. Икки хил оила, икки хил дунёқараш... Мен ўйламай иш қилардим, у бўлса етти ўлчаб, бир кесадиғанлардан эди. Мен сўқиниб гапирсам, у анча ўйлаб, сўнг сўзлар, эътибор билан тинглар, мен учун доим вақт топарди. У менга меҳрибон дўст эди, холос. Севгисини рад этиб, ҳазилга

# ЧАЛКАШЛИКЛАРДАН ЧАРЧАДИМ



мазза қилиб еб-ичиб, замонавий кийиниб юрибман-у, аммо бу пуллари ойим оддий ишидан қандай топаётганини ўйламабман. Яна сиқилишлар, азоблар... Охири асаб касалига йўлиқдим. Салгина сиқилсам ё йилгасам-оёқ-қўлларим музлаб, ишламай қоларди. Даволанишлар беҳуда кетди. Юрак касали ҳам мени четлаб ўтмади. Ҳаммасини унутшиб, янги ҳаёт бошлаш учун Тошкентга ўқишга кирдим. Ҳаммаси ўзгара бошлади. Ўзимни ўқиш билан чалғитдим. Аммо... аммо яна бир муаммо тугилди. Мен у ерда Фарҳод исмли бола билан дўстлашдим. У жуда ақлли, одобли, келишган, хушмуомала эди. У доимо менга бўш вақтида ислом дини ҳақида китоблар олиб келиб ўқиб бера ва эринмай тушунтирарди. Мен ҳаётга бошқача кўз билан қарай бошладим. Аслида уят, андиша, хурмат, меҳр каби тушунчаларни умуман унутган эканман. Фарҳод уларни менга қайтаришга ҳаракат қиларди. Энди уйга борма қўйдим. Дардим ҳам унутилди. Сигарет чекишни ташламансам-да, кам чека бошладим. Тор, калта, енгсиз кийимларни четга улоқтириб, ўзбекона кийимлар кия бошладим. Ойимнинг ўзи келиб хабар олиб турардилар. Дискотека-ю байрамлар эсдан чиқиб, юзимдан бўёқларни артиб, уйда

бурдим. Лекин, унинг кўзларига ёш келди. Шунда: "Сендан олдин бирор кизга қарамадим, қизикмадим. Сени кўргач ҳаётим ўзгарди. Оғир бўлса-да, дардли кўзларингга тикилиб, сени ҳам кимдир бахтли қилишини хоҳлардим. Кулганингни кўриш учун ҳамма нарса қилдим. Жондан ортиқ севаман, сени тушунмайдиган ёш бола деб бўлмайди. Ҳамма нарсаларингдан, ёмон ишларингдан юз ўгирарман. Ҳозирги ҳолатингни севаман. Бахтли қиламан. Аммо, рад этсанг, мен ҳам ўзгараман", - деди. Озагина тикилиб тургач, кетворди. Мен бошим қотиб қолавердим. Шунда: «Бахтли бўлишга ҳаққим бор», - дея ўйладим. Ҳамма нарсасга қўл силтаб унинг орқасидан югурдим... Фарҳод иккимиз жуда бахтли эдик. У билмаганларимни тушунтирар, еруқка ашонамасди. Оилада ёлғиз ўғил бўлганлиги учун уйланишига ишонаман. Лекин Оллоҳни мени яна бир "туҳфа" билан сийлади. У ёлғиз ўзи ўқишга яқин жойда яшаб турганлиги учун уйга бориб, йиғиштириб, баъзан кийимларини ювиб берадим. У билан орамизда жиддий нарсалар умуман бўлмаган. Бир кун... уикида қолиб кетдим...

Бўлар иш бўлганди. Билмадим, нима учундир менда

бу "иш"нинг "белгилари" бўлмади. Ўзим ҳеч тушунмайман. Аввал ҳеч қим билан бирга бўлмаганман. Лекин нима учундир мен бундан исботлай олмадим. Ахир нега? Нима учун?! Фарҳод нимадир ўйлаб қимирламай ўтирар, мен ёстиқни кучоқлаб йиғлардим. Сўнгра аста туриб, кўчага чиқиб кетдим. "Ундан бутунлай айрилдинг", деб қалбим фарёд урарди. Ўйга бордим. Ҳеч қим йўқлигида томиримни кесдим... Кўзимни очсам тепадада ойим билан Фарҳод туришарди. Ойим нега бундай қилганимни тушунмас, Фарҳод орқадан излаб келганида "Тез ёрдам" устидан чиққан ва "Курсдошиман", деб ойимга айтган экан. Ойим кетгач, у менга: "Сенсиз яшолмайман. Бундан кейин мени алдама, хиёнат қилма, илтимос. Аммо, сени шу кўйга солган ўша одам қимлигини билсам, албатта ўлдирарман", - деб менга қасам ичди. Ҳозир уйданман. Яна даволанаяпман. Фарҳод доим хабар олгани келади. Ойим буларни билмайди. Билса кўтаролмасликларидан қўрқарман. Бунинг устига Бобур яна холи жонимга қўймапти. "Ушанда адашдим, ҳалиям сени севаман, барбиринг меники бўлсан", - деб телефон қилиб қўриқтди. Кўчаларда йўлимни тўсади. Фарҳодни у билмайди. Мени қийнаётган муаммо бу эмас. Балки менинг қиз бола эмаслигим. Нега бундай бўлди? Тўғри хато қилдим. Лекин нима учун менда бундай ҳолат юз берди? Ҳар дақиқа шуни ўйлайман. Бировга айтишга қўрқарман. Бошқалар: "Ҳа, бу вақтида роса юрарди, шундай бўлиши аниқ", - дейиши мумкин. Лекин Оллоҳ олдида юзим ёруғ. Ҳамма нарсани қилсам-да, лекин бу ишни қилмаганман. Энди эса бошим қотган. Сизлардан илтимос, айтинглр, энди мен нима қилай? Балки бошқача тарбия олганимда бундай аҳволга тушмасмидим.

Баъзан бу дунёдан ортиқчадек туюламан. Бахтли бўлишимга кўзим етмай қолади. Ўйлайвериб ақлдан озмасам эди, деб қўрқарман. Шунча гам-ташвишни кўтаролмай қолаяпман. Бобурнинг тинимсиз пўписалари, ойимнинг хунарлари, Фарҳоднинг сиқилишларини кўриб эзилб кетдим... Сизларга дардимни айтиб сал енгил тортидим.

Мендек адашган кизга маслаҳат беринглр, илтимос сизлардан! Маслаҳатларингизни интизорлик билан кутаман. Азиз юртдошларимдан нажот кутиб қоламан.

"Оила ва жамият"нинг келажақдаги ишларига улкан зафарлар тилаб қолам. Доимо инсонлар меҳрини қозониб, севимли наشري бўлиб қолсин. Сизларга бахт ва омад ёр бўлсин.

Гулжаҳон, Сирдарё вилояти.

Ҳаётимда содир бўлган воқеани яна эслаш мен учун жуда оғир. Мен Тошкентда оилам билан яхшигина ҳаёт кечираётганим. Хотиним билан ўн йил яшаб уч фарзандли бўлдик. Иккимиз севгили турмуш қургандик. Очигини айтганда турмушимизга кўпчиликнинг ҳаваси келарди. Лекин... Вақт ўтгани сайин муносабатларимиз совий бошлади. Тўғри, баъзан уришиб, ярашиб ҳам турардик.

Аммо қийинанам бу жанжалларни эшитиб дарҳол етиб келар ва қизининг ёнани олиб жанжални бошларди. Агар у қизга панду насихат қилиб сабр-тоқатли бўлишни ўргатганида эди... Аҳвол бу даражага бориб етмаган бўлармиди? Қайнонам эса хотинимнинг олдида обрўйимни тўқарди. Аслида у қайнотамни ҳам умуман хурмат қилмас, хотиним ҳам онасидан ибрат ола бошлаганди.

Кейинчалик хотиним: - Сиз бошқа эркаларга ўхшаган топармон-тутармон, олий маълумотли ҳам эмас-

сиз, дея юзимга сола бошладим. Борган сари хотинимнинг фелъ-атвори ўзгарарди. Бу ҳақда турли миш-мишлар тарқала бошлади. Мен бу гапларга ишонмас, у менга хиёнат қилмайди, деб ўйлардим.

## ЙИГИТЛИК ҒУРУРИМ СИНДИ

Орадан кўп ўтмай биз бошқа шаҳарга кўчдик. Иш билан шаҳарга тушганимда бир таниш аёл менга: - Ука, мен сенга эмас уч болангга ачинаяпман. Хотинингга қара, уни тергаб олмайсанми? Ахир оиланг бузилиб кетса нима бўлади? - деди.

Бу гап юрагимни тилка-пора қилиб юборган бўлса-да, ўзимни қўлга олдим. - Нима деяпсиз, опагон? Хотинимни яхши биламан-ку, у менга хиёнат қилмайди, дедим. Аммо кўзим кўр экан!

Бу орада хотиним яхшигина маош оладиган ишга жойлашди. Шундан сўнг унинг менга бўлган муносабати бутунлай со-

вий бўлди. Иккиси астагина уйга, кириб кетишди. Мен буларни кузатиб ётардим. Бироздан сўнг ўрнимдан турдим-да, уларнинг орқасидан, ётоқхонага кирдим. Ётоқхонанинг эшигини очсам хотиним... У ифлоснинг кучоғида тўлғаниб ётибди. Уларни ўлдирмоқчи бўлдиму, шайтонга ҳай бердим. У машинасини ташлаб қочиб кетди. Бироздан сўнг бу машинани эшитиб етиб келган қайнонам: - Буларнинг ҳаммасига ўзинг айбдорсан, деб барча айбни менга тўнкай бошлади. Эртасига мен хотинимнинг талогини бердим. Йигитга кўнгли қўйган оиласидан, фарзандларидан бординки, бевафо бўлса ҳам хотинидан айрилиш осон эмас экан. Булар менинг йигитлик ғуруримни синдирди. Лекин яхшияна онаизорим бор экан. Бечора онагинам ҳаётимнинг ушбу оғир дамларида ёнимда бўлиб, кўнглимни кўтарди. Илгари кимларнингдир бошидан кечган шу каби воқеаларни эшитгандим. Аммо, у аёллар эрлари қошида тиз чўкишганини ва:

қиласан? - деб сўрасан у: "Мен иш юзасидан гаплашаяпман, билдингизми?" дея мендан балан келарди. Бир кун ишхонасидагилар билан сумалак пиширмоқчи бўлишди. Сумалак пишганидан кейин сиз эркалар озо-оздан ичдик. Сўнг ҳамма тарқалди. Мен гумонсирайдиган эрка эса қолди. "Юринг, арка, янги уйингизни бир ювайлик" - деб тақлиф қилди. «Йўқ» дея олмадим. Яқинроқдаги бир кафега бориб анча ўтирдик. Уйга келганда ўзимни гирт маст бўлган одамдек тутдим. Хотинимнинг гапларига ҳам жавоб бермадим. Улар мени ҳовлидаги сунага ётқизишди. Сўнг хотиним уни кузатиб келадигандек ҳаракат қилиб ўрни-

дан турди. Иккиси астагина уйга, кириб кетишди. Мен буларни кузатиб ётардим. Бироздан сўнг ўрнимдан турдим-да, уларнинг орқасидан, ётоқхонага кирдим. Ётоқхонанинг эшигини очсам хотиним... У ифлоснинг кучоғида тўлғаниб ётибди. Уларни ўлдирмоқчи бўлдиму, шайтонга ҳай бердим. У машинасини ташлаб қочиб кетди. Бироздан сўнг бу машинани эшитиб етиб келган қайнонам: - Буларнинг ҳаммасига ўзинг айбдорсан, деб барча айбни менга тўнкай бошлади. Эртасига мен хотинимнинг талогини бердим. Йигитга кўнгли қўйган оиласидан, фарзандларидан бординки, бевафо бўлса ҳам хотинидан айрилиш осон эмас экан. Булар менинг йигитлик ғуруримни синдирди. Лекин яхшияна онаизорим бор экан. Бечора онагинам ҳаётимнинг ушбу оғир дамларида ёнимда бўлиб, кўнглимни кўтарди. Илгари кимларнингдир бошидан кечган шу каби воқеаларни эшитгандим. Аммо, у аёллар эрлари қошида тиз чўкишганини ва:

- Нима қилсангиз қилинг. Бо-

ларим учун кечирсангиз кечиринг, бўлмаса ўзингиз биласиз, дейишганини эшитгандим. Аммо, менинг хотиним эса... Отдан тўша ҳам эгардан тушмади. Бор айбни менга ағдариб, безайриб тураверди. Унинг бундай безбетлигини кўриб у билан ўтган умримга ачиндим. - Наҳотки, шу аёл билан 16 йил бир ёстиққа бош қўйган бўлсам, деб афсусландим. Энди бўлар иш бўлди. Биз-ку, икки томонга кетдик. Эҳтимол тенгимизни топиб яшаб кетармиз. Аммо, уч нафар болаларимиз нима бўлади? Хотиним уч боламнинг, тирик етим бўлишига сабабчи, эканлигидан қуяман. Биродарлар, мен бу воқеани бошқалар ҳам хулоса чиқариб олишар, деган ўй билан ёздим. Мендек қуйган, ғурури синган йигитга маслаҳат беринглр, чунки, ҳозир менга жуда қийин... Ажралишиб тўғри қилдикми, ёки яшайверишим керакми?

МАРДОНБЕК, Тошкент шаҳри



# ЖАННАТ ГУЛИ

Атиргулнинг ватани Форс мамлаката бўлиб, улар бу ўсимликнинг бир неча турини яратган. Бу мамлакатда ҳатто атиргулнинг дарахтини ҳам етиштирилганларки, унинг баландлиги 6-7 метргача боради. Хиндлар уни муҳаббат ва қувонч, сирлилик ва осойишталик рамзи ҳисоблашади. Римликлар атиргулдан тайёрланган гулчамбарларни аскарлар бўйнига илиб, жангга кузатишган. Аёллар эса ёшлик тароватини сақлаш учун "атиргул суви"да чўмилишган. Насронийлар уни жаннат гули деб аташган. Атиргул илоҳий муҳаббат, меҳр-мурувват ва кечиримлик рамзи сифатида қадрланган. Қадим замонлардан бери атиргул гулбаргларида мурabbo, гулқанд, гулболлар тайёрланган. Гулқанд сурункали ва ўткир йўтал, бедармонлик, камқонлик, офтоб урганда, ичбурғу каби силла қуритувчи касалликларни даволашда тавсия қилинган. Болгариялик олимлар атиргул мойи шамоллаш билан боғлиқ йирингли касалликларга, ўпка ялғиланишига ва қорасонга яхши наф келтиришини аниқлашган. Атиргул мойини яна бир хосияти-шиллик пардаларни ташқи таъсирдан, ўпка мушакларини тиришишдан сақлайди. Атиргул мойини сувдаги эритмаси бош оғриғиди, дайқиқа қуёшли кунларда иссиқдан бош оғриғанда тавсия этилади. Атиргул мойи, сув, сирка аралашмаси тери хасталиклариди шифо беради. Атиргул мойи мия фаолиятини мустаҳкамлайди, уйқуну маромига кел-

тиради, уйқусизликка ажойиб малҳам. Атиргул мойи билан оғиз бўшлиғи чайқалса, тиш оғриғанда фойда қилади. Унинг мойи ичилганда энгил сурғи дори сифатида таъсир этади, ошқозон (меъда)-ичак ярасида, шамоллашда эм бўлади. Мойи чуқур яраларни тез битишида, янги тўқималар ҳосил бўлишида, йирингли яраларни йўқотишда фойда қилади. Шуниси диққатга сазоворки, атиргул мойидан Болгарияда "Розанол" номли дори ишлаб чиқарилган. Бу дори омили ўт (сафро) ҳайдовчи, оғриқ қолдирувчи, шамоллашга қарши, микробларга қарши таъсир кўрсатади. Бу дори сурункали холециститда, ўт (сафро) йўлининг ҳаракати сусайганда, ўт-тош ва бўйрактош хасталиғида буюрилади. Розанолни 2 капсуладан 3 маҳал овқатдан ярим соат олдин, 2-4 ҳафта давомида ичлади. **Атиргул мойини олиш учун** зайтун мойига янги узиб олинган гулбарглари солинади ва кўйиб тафтида узини қизил ранги оқ ранг бўлгунча қўйиб қўйлади. Сўнг гулбарглари майдан сиқиб олиниб, ташлаб юборилади. Қолдиқ мой устига янги гулбарглари қўйилади. Шу усулда етти марта такрорланади. **Атиргул сувини** уй шароитида тайёрлаш мумкин. Бунинг учун қизил атиргул гулбаргларида эзилган 10 грамм суюқлик 200 мл. гр. қайноқ сув билан дамланади. Сўнгра атиргул суви дардларга даво сифатида тавсия этилади.

**Атиргул гултожбаргларида тайёрланган мурabbo-нинг дармонбахшлиги**

ҳаммага азалдан маълум. Гулбаргларида мурabbo тайёрлаш учун ўсимлик гултожбарглари танадан ажратиб олинади, куйи оқиш қисми қирқилади, маҳсулот сифатида фойдаланилади. Ажратилгани гулбарг қисмлари йирикроқ кўзли элак ёки галвирга солиниб гулчамбар тўкилиб кетгунга қадар ўтказилади. Гулбарглари ювилиб, 5 дақиқа давомида қайнатилади, силқитиб сувдан ҳоли қилинади, зудлик билан совутилади. Гулбаргларида ажратилган қайнатма-сув шарбат тайёрлаш учун ишлатилади. Алоҳида шарбат тайёрлаш учун бир кг. гулбаргга бир кило-ю 300 гр. шакар, 2 литр сув, 2 гр. лимон шарбати олинади. Совутилган гулбаргга шарбат-қийём, лимон қўйилади ва етилгунча қайнатилади.

**Атиргул гулбаргларида мурabbo тайёрлашнинг яна бир усули бор.** Гултожбаргларида сараланиб, 3 дақиқа мобайнида қайнатилади, лимон шарбати солинади, оғзи берк ҳолда 20 дақиқа сақланади, сўнгра қайнатма суви мурabbo қайнатилган идишга солинади. Гулбаргларида тушган суюқликка шарбат солиниб, шарбат - қийём ҳолига келгунга қадар қайнатилади.

**Микдори:** саралаб олинган гултожбаргларида 250 гр. олинганда 1 кг. шакар, 200 мл. сув. 3 гр. лимон шарбати ишлатилади. Атиргул мурabbоси жуда хушбўй, тотилиб бўлиши билан бирга, кишига дармон бағишлайди. Хорғинликда ажойиб малҳам бўла олади ва ақлни пешлайди.

Юқоридаги дори-вор омиллар яна жи-



гар хасталиғида, қорин оғриқларида, сил, томоқ оғриғи, куйиш жараёнида тавсия этилади. Атиргул суви ва дамламаси кўз касалликларида, турли яраларни ювишда ҳам нафалидир.

Атиргулнинг доривор омиллари юрак хасталиғида, бачадон касалликларида шифо бўлади. "Оила ва жамият"нинг мухлисларида савол туғилиши табиий, яъни оқ атиргул фойдалими ёки қизили? Чунки атиргул ҳар хил рангда бўлади-да. Булар ўта хушбўй, қўриниши жозибали, бир хил бўлса-да, ўзининг таркибий моддалари билан ажралиб туради. Жумладан, оқ рангли атиргулда қатрон, шиллик моддалар сақлагани ҳолда қизил рангли атиргулдан фарқланади. Қизил гулбаргларида кверцетин, катехин, цианин сингари моддалар сақлайди.

Ҳа, атиргул ифори сиздан уфуриб турсин, лек касал бўлманг, азиз мухлислар.

Анжир меваси ҳозир фарқ пилиб етилган. Омилкор уй бекалари анжир мевасидан мурabbo тайёрлашиб, қишга хозирлик кўришмоқда. Хўш, нега анжир бунчалик тотли? Чунки, унинг таркибида 80 фоизга яқин қанд бор.

Халқ табобатида анжир оғир хасталиқдан сўнг хоржин бўлган беморларга буюрилади, Анемия (камқонлик)да, меъда-ичак йўлида хасталиқни даволашда эм бўлади. Қуритилган мевасини сутда қайнатиб берилса, йўталга қарши яхши омил ҳисобланади. Баргидаги сусимон шираси (шоҳчаларида, пийшмаган, хом мевасида ҳам бўлади) бўжамаларда, сўгалларни кетказишда қўлланилади. Анжир мевасидан тайёрланган мурabbo қора чой билан ичилса, ангина (томоқ бўшлиғи хасталикларидида ҳам), юқори нафас йўллари шамоллаганда наф беради.


Тайёрлаш усули: 100 гр қуруқ мева, 400 мл.гр. қайноқ сувга солиниб, паст оловда 15 дақиқа давомида қайнатилади. Сўнг 3 соат мобайнида дамланади, доқадан ўтказилади ва 100 гр.дан 3 маҳал таомдан олдин ичилади.

Маълумки, анжир меваси турлича бўлади. Энг яхшиси оқи, қизили, ундан кейин қора ранглидир. Анжирнинг қуруғи ўз таъсири билан мактовга сазовордир, аммо ундан пайдо бўладиган қон яхши эмас, шу боис уни ёнғоқ билан бирга ишлатилмаси у битлатиб юборлади.

Анжир бошқа мевага қараганда озиқлорқ бўлади. Тоза пишган анжир деярли зарар

қилмайди, бироқ унда дам қилиш хусусияти бор. Меваси шишлар сабабли бузилган рангини тўзатади, чипқонларни пилиради. Анжир тутсимон ўсимларни, унинг баргидан олинган суви бадандаги сунъий нақшнинг изларини кетказиши, қайнатмаси ханталга қўшиб қичмага суртилади. Барги темирмагга фойда қилади. Хом анжирни талқон қилиб бош яра-

## АНЖИР ЕСАНГИЗ...



ларига сепилса тўзатади. Анжирнинг хомини ёки янги япроғини кутурган ит тишлаган жойга қўйилса наф беради.

Таркибида калий моддаси борлиғи учун юрак-қон-томир тизими касалликларида қўлланилади. Меваси таркибидаги фицин номли модда қонни суюқтириб, томирлардаги тўқималарни очади.

Анжир таом ҳазмини яхшиловчи ва энгил сурғи дори тариқасида тавсия этилади.

Кези келганда шунини ёдда тутиш керакки, анжир мевасини подага, ўткир ошқозон-ичак хасталикларига шамоллашда, қанд касали (сахарний диабет)га маълум бўлган кишилар истеъмол қилмасликлари даркор.

Диёримизда анжирнинг қора анжир, қадота, асал анжир, сарик анжир, нок анжир каби на-

## АНЖИР

влари экилади. Яхши парвариш қилинган анжир дарахти серҳосил бўлади ва 100-150 кг.гача мева беради. 150-200 йил яшайди. Анжир меваси жигар, талоқ, тўтқанок, асаб касалликларида шифодир.

**\*\*\* Анжир шарбати билан асал аралашмаси кўз шамоллашига фойда қилади.**

**\*\*\* Сут шираси чаён ва қоракурт чаққанида захрини кесишда наф беради.**

**\*\*\* Анжир меваси иситма туширувчи ва тер ҳайдовчи хосиятга эга.**

**\*\*\* Ҳали барг чиқармаган анжир шоҳидан олинган ширанинг қуввати анжир сутининг қувватига яқин бўлади.**

**\*\*\* Анжирнинг ҳўли ва қуруғи томоқ қирилишига нафли бўлиб, кўкрак ва ўпка йўлларига мос келади.**

**\*\*\* Анжирнинг шарбати сутини кўпайтиради.**

**\*\*\* Анжир шарбатини ичиш меъдага ижобий таъсир қилса-да, иштаҳани кесади.**

**\*\*\* Анжир ёнғоқ ва бодом билан қўшиб наҳорга истеъмол қилинса, овқат йўллари очишда ажойиб малҳамдир.**

**\*\*\* Анжирнинг ҳўли ҳам, қуруғи ҳам буйрак ва қовуққа яхши эм бўлади.**

**\*\*\* Анжирнинг сутини тухум сариги билан қўшиб ичилса, бачадонни тозалайди, ҳайз қонини юриштиради.**

**\*\*\* Анжирнинг сутини омилкорлик билан қўласа, буйракдаги қумдан халос этади.**

**М. МИРЗАШАРИПОВ,**  
доришунос.

## ШИФОЛИ ВА НОЁБ МЕВА

Ширин-шарбат мевалар кишиларга лаззат инъом этувчи нокнинг шифобахш хосияти талайгина. Икки минг йил илгари экинлаштирилган. Давр ўтиши билан нокка бўлган талаб тобора орта борган. Шуниси қизиқки, дастлаб, ҳатто захарли деб ҳисобланган нок энг лаззатли мевага айланган. XIX асрга келиб Францияда нокнинг 900 нави кашф этилади ва у французларнинг миллий мевасига айланади. Ўзбекистонда нокларнинг 4 та экинлаштирилган ва 4 та ёввойи турлари ўсади. Нокнинг ёзги, кузги, ҳамда қишки навлари бор. Ўзбекистонда узоқ сақланиши туфайли йил бўйи мевасини истеъмол қилиш мумкин.

Нок азалдан халқлар орасида бир талай касалликларни даволашда қўлланиб келинади. Шарқ табобатининг қўёши Абу Али ибн Сино нок билан беморларни даволагани маълум. Қуритилган нок жароҳатларни битиради. Меъдани тозалайди, ташналиқни кесади, сафрони тўхтатади. Нок қоқиси ич кетганига қарши, яъни ични қотиради, йўтал хуружини пайсиратишда малҳам бўла олади. Унинг ширасида пешоб ҳайдовчи хосият бор. Шираси ва қайнатмаси фақатгина пешоб ҳайдамасдан, балки унинг йўлидаги тошларни нуратишда, шу билан бирга бактерияларга қарши таъсир кўрсатади. Хўш, нега шундай экан? Чунки нок мевасининг кимёвий таркибида 15 фоиз қанд, олма кислотаси ва бошқа органик кислоталар, азотли моддалар, 5 фоизгача никотин, ферментлар сақлайди. Шунингдек, меваси таркибида ошловчи моддалар, 20 фоиз каротин, турли дармон-дорилар, темир, кобальт, калий, марганец бор. Уруғ қоқиси кофе ичимлигини олишда ишлатилади. Унда 21 фоиз мой бўлади.

Мутахассис олимлар нок барглари, устида ҳам изланишлар олиб боришмоқда. Биринчи бўлиб хиндистонлик олимлар нокнинг ёш барглари таркибида фенол моддаси борлигини аниқлашга эришдилар. Қаранг-а, барги ҳам шифоли. Нокни кўп истеъмол қилиш мумкинми деган савол туғилиши табиий. Ҳамма нарсани меъёри бўлгани сингари унинг ҳам меъёри бор. Ибн Сино таъбири билан айтганда, нок мевасини кўп ейиш қулунж (ичак деворларининг ялғиланиши, ичак оғриғи) касаллигини келтириб чиқариши мумкин. Бунинг олдини олиш учун нок егандан кейин асал сувини дориворлар билан ичиш керак.

Нок қайнатмаси тана ҳароратини туширади, ҳазм йўли фаолиятини яхшилайди, юрак ўйнаганда тинчлантирувчи омил сифатида қўлланилади. Қайнатма қуйидагича тайёрланади: бир пиёла нок қоқисини ярим литр сувда қайнатилади ва 4 соат мобайнида қўйиб қўйилади. Сўнгра таомдан олдин ярим пиёладан қунига 4 маҳал ичилади.

Шаробда тайёрланган экстракти хавфли ўсимларга яхши наф келтиради. Ибн Сийрийн айтибдурларким, ҳар қим тушида нок эса ёки нок олса, ҳалол мол қўлга киргай. Агар сарик, нок олса ёки еса, бемор бўлгай. Садақа берсин. Имом Содик айтибдурларким, киши номни тушида қўрса, беш нарсига далолат бўлгай: моли ҳалол, ойлик, хотин, мурод ҳосил манфаат. Азиз муштарийлар, ушбу мақолани ўқиб, ажаб эмас, тушингизга нок қириб, шу бешта омил далолат бўлиши насиб этсин, иншооллох.

**Мирзамир**

Бир вақтнинг ўзида бошингга иккита бахт куши кўнибди-я!



—Меҳмонга ва...

ЙГХХ ходими бир машинани тўхтатиб, хурсана ҳолада ўзи-ўзи лебади: "Ҳозир пулини шиламан!"

- Хуш, тормоз ишлайптими?
- Ҳа, лебади ҳайловчи.
- Фаралар бутунми? - лебади машинани кўздан кечираётмиб. - Ҳа-я, "аптечка" борми?
- Бор.
- Машина мазаланганими?
- Тоза.
- Эҳ, ҳеч бўлмаса бир дона сигарет қолдириб кетинг, - лебади у ҳайловчидан камчилик тополмай.

- Темиржон, ўғлим, деразадан қарагин-чи, ааанг уйга келяптиларми-ўйқуми?
- Келяптилар шекилли.
- Кўнанинг қайси тарафидан келяптилар?
- Бир йўла икки тарафидан, ойшжон!



—Меҳмондорчиликдан қайтишда



- Кеча лоторейдан икки юз минг ютиб олдим!  
 - Қуллуг бўлсин! Хотинингда бу хондиса қандай таасурот қолдирди?  
 - У хурсандлигидан соқов бўлиб қолди.  
 - Қойил-е, бир вақтнинг ўзида бошингга иккита бахт куши кўнибди-я!

Ота бошқошқирма ечаётмиб ўғлицан сурабади:  
 - "Нобель" муқофотидан воз кечган француз ёзувчиси... Бешта ҳарф, учинчиси "М".  
 - Аҳмоқ! - дарҳол жавоб берибади ўғли.



Ярим тунда эшак тақилабди. Уй бекаси эшикни очса, эри буй-баста билан йўлакка йиқилибди.  
 - Яна ярим ўликка айлангунча ичибсиз-а?  
 - Кечир, хотинжон, ўлгунча ичишга пулим етмади, - дермиши эр.

Хотин телефонда гаплашиб бўлач, эр ундан сурабди:  
 - Ким эди у?  
 - Ҳа-а, онам! Гапларидан ярим жиннига ўхшайди.  
 - Йў-э, а-а-а... Демак, анча тўзалиб қолибди-да.

Икки хотин суҳбатлашяпти.  
 - Қизиқ, қадимги эркаклар аёлларни нимаси билан мафтун қилган эканлар-а?  
 - Қадимги деганинг қачон?  
 - Пулини ихтиро қилишларидан аввал яшаган эркаклар-а!

- Агар дунёга қайта келганингизда нима қилган бўлардингиз?  
 - Қайтиб шу хотинимга уйланмаган бўлардим.

- Нима учун қамоққа тушдинг?  
 - Пора учун.  
 - Нега сени бунча тез озода қилишди?  
 - Пора учун.

Икки дугона суҳбатлашяпти.  
 - Мен машҳур кино юлдузи бўлишни, мен ҳақимда бутун дунё гапирганини хоҳлайман!  
 - Сен ҳақингга бутун маҳалла гапиратгани озлик қилаяптими?



- Духтур, менинг хотирам жула чатоқ.  
 - Қачондан бери?  
 - Нима қачондан бери?  
 - Уша чатоқлик?  
 - Қанақа чатоқлик?



—Бу барзанги йиғит-қизлар пенсия берадиган кунни нима қилиб почтаааа юришибди?  
 —Булар турли қинғир йўллар билан ногиронликка чиқиб олишган, пенсия олгани келишган!



Икки дугонанидан бири иккинчисига:  
 - Никоҳ кечаси эрим менга: "Борайю сени бошқа бир эркак билан дон олишиб юганингни билиб қолсам, ўзимни ўзим ўша ерадаёқ отиб ташлайман", - деганда.  
 - Ушандан бери бошқа эркак билан учрашмай юрибман, лемоқчимисан? - суради дугонаси.  
 - Йў-э. Мен уни ҳозирча етти бор ўлимдан сақлаб қолдим, демоқчиман.



Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

№/ТАР	УТ УЧИРИШ ИДРАСИ	САН. ЭПИД. СТАНЦИЯ	БИШ-КАРМА ИДРАСИ
1	■		
2	■		
3	■		
4	■		
5	■		
6	■		
7	■		



Эри ичиб келиб, эшак олдида муқкасидадан кетиб, йиқилиб тушди. Хотини ўшқириб деди:  
 - Ҳа, яшишамагур, яна ичсанми?!  
 - Майли, кўй, - деди эри тинганини бузмай.

- Сиз, мени энаи севмайсизми?  
 - Бу гапни қаердан олдингиз?  
 - Илгару, уйга келганингизда рашк қилиб, шифонер ва шкафларни очиб ниманилар қилардингиз. Энаи бўлса фақат музлатгични очиб қарайсиз!  
 Пул-жаҳд. Дўконга киришинг билан жаҳдор бўлиб кетасан, киши.

БИР ҚАЙНОВИ ИЧИДА ГАПЛАР

"Йиғит севгилисини кўриши билан баданидан алағга чиқиб кетди. Бўйнигача қизариб, юзлари ёна бошлади".  
 (Лавҳадан)

"Мен қовун ҳилини яхши кўраман, Қовун ҳиди мени яхши кўради".  
 (Бир шеърдан)

"Тўп билан яхши муомалада бўлмаганлиги учун у хужумчиси эни аллади".  
 (Футбол репортажидан)

"Анор билан нок ларахти ўртасида муҳаббат бўлиб, улар ёна-ёна эжилса, серҳоси бўлади".  
 (Фойдали маслаҳатлардан)

"Кўз ҳар томонлама суяк билан қопланганлиги учун унчалик шикаст етмайди".  
 (Кўз шифокорининг дегани)

"Ҳшқоя ёздам, у одам бўлолмаган бир йиғит ҳақида".  
 (Хаваскор қаламкашнинг дегани)

"Ўғлимизнинг бошини икки қиламиз деб, бош суқмаган эшик қолмади".  
 (Бир онанинг ҳасрати)

"Шамолга мирзатераклар келинчақдай салом беришса-да, у гоҳ оч бўридай увиқар, гоҳ ўлим чангалига тушган мушукдай пхилларди".  
 (Бир қаламкашнинг ўхшатмаси).

"Фарзанларимизни фидоий, ҳар томонлама етук, комил инсонлар қилиб етиштирайлик".  
 (Бир мақоладан)

Хандаларни М. МИРЗАШАРИПОВ ва А. БОБОХОНОВ тайёрлашди. Суратлар А. ҲАКИМОВники.

Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.  
 Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**  
 Кабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
 Табриқлар, эълонлар: 133-04-50  
 Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46  
 Бухгалтерия: 132-07-41  
 Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
 Босишга топшириш вақти - 20.00  
 Босишга топширилди - 21.00  
 Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**  
**ОБУНА ИНДЕКСИ - 176**  
 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.  
 Буюртма Г - 940. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.  
 Адади - 16079  
 Саҳифаловчи — Ш. БАРОКОВ  
 Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ  
 Навбатчи — Б. САЙДАЛИЕВА  
 Мусаҳҳих — С. САЙДАЛИМОВ